



САМАРАЛИ УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов 6 июнда давлат ташрифи билан Латвия Республикаси пойтахти Рига шаҳрига келди. Ўзбекистон ва Латвия байроқлари билан безатилган Рига халқаро аэропортида Президент Ислоом Каримовга Латвия Бош вазири Марис Гайлис пешвоз чиқди. Юксак мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди, икки давлат мадҳиялари янгради. Кутиб олиш маросимида хорижий давлатларнинг Латвия Республикасидаги дипломатия вакиллари ҳозир бўлди.

Машиналар қарвони мамлакатимиз раҳбари учун ажратилган Юрмала қароргоҳига йул олди.

Рига қургонининг Оқ залида Президент Ислоом Каримов билан Латвия Президенти Гунтис Улманис уртасида расмий учрашув маросими бўлиб ўтди. Ҳар икки давлат мадҳиялари янгради. Президентлар Ўзбекистон расмий делегацияси аъзолари ҳамда Латвия ҳукумати аъзолари, шунингдек, хорижий дипломатия вакиллари билан танишди. Шундан сунг муҳташам залда икки давлат Президентлари уртасида яккама-якка суҳбат бошланди. Мулоқотлар ниҳоясида қўшма ҳужжатлар имзоланди.

Жумладан, Ўзбекистон Президенти Ислоом Каримов билан Латвия Президенти Гунтис Улманис «Ўзбекистон Республикаси билан Латвия Республикаси уртасида дустлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома»ни имзоладилар. Икки давлат ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва Валдис Биркавс эса Ўзбекистон ҳукумати билан Латвия ҳукумати уртасида транспорт, ҳаво алоқаси, сайёҳлик ҳамда илмий-техник соҳалар бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битимларни имзоладилар. Бундан ташқари, икки давлат Ташқи ишлар вазириликлари уртасида узаро маслаҳатлашувлар тўғрисидаги протокол ҳам имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг Латвияга сафари иккинчи кунини ҳам амалий учрашувлар, фойдали мулоқотлар билан бошланди. Эрталаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Рига биржаси биносида Латвия ишбилармон доиралари вакиллари билан мулоқотда бўлди. Республикаимиз раҳбари Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати, иқтисодий салоҳияти, бозор иқтисодиётига утишининг иқтисодий тамойиллари ҳақида, мамлакатимиз билан Латвия уртасида узаро манфаатли алоқалар имкониятлари ва ҳамкорлик истиқболлари хусусида сузлади. Латвиялик тadbirkorларнинг қўллаб-саволларига жавоб қайтарди.

Ислоом Каримов Латвия Сеймига ҳам ташриф буюриб, Сейм Раиси Анатолий Горбунов билан учрашди. Узаро мулоқот чоғида икки мамлакат парламентлари уртасидаги алоқаларни мустақамлаш юзасидан фикрлашиб олинди. Учрашувда Латвия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Андрис Вилцанс, Латвия Сейми вакиллари, шунингдек,

мамлакат парламентининг Ўзбекистон билан муносабатларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича яқинда тузилган гуруҳи раҳбари Ч. Урбанович иштирок этди.

Рига қургонининг давлат тантаналари залида Ўзбекистон Президенти Ислоом Каримов ва Латвия Президенти Гунтис Улманис журналистлар билан учрашиб, уларнинг узаро музокаралар якунлари хусусида берган саволларига жавоб қайтардилар. Қургонининг тугролар залида Ўзбекистон Президенти Ислоом Каримовни кузатиш маросими бўлиб ўтди.

Шу билан Ўзбекистон раҳбарининг Латвия Республикасига давлат ташрифи ниҳоясига етди. Шу кунини Президент Ислоом Каримов Рига аэропортидан Литва Республикаси пойтахти Вильнюс шаҳрига жўнаб кетди.

Рига аэропортида Президент И. Каримовни Латвия Бош вазири М. Гайлис ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Кунининг иккинчи ярмида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов давлат ташрифи билан Литва Республикаси пойтахтига келди. Ўзбекистон ва Литва давлатлари байроқлари билан безатилган Вильнюс халқаро аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Литва Республикаси Бош вазири А. Шлежявичюс, республика ташқи ишлар вазири П. Гиллис ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. Миллий либосдаги қизлар Ўзбекистон Президентида Литва замини гулларини тақдим этди.

Вильнюсдаги Президент саройида олий даражали меҳмонни кутиб олиш маросими бўлди. Маросим тугагач, Президент Ислоом Каримов ва Литва Президенти Альгирдас Бразаускас уртасида яккама-якка суҳбат бўлиб ўтди. Сунг музокаралар кенгайтирилган таркибда давом эттирилди. Музокаралар ниҳоясида Ўзбекистон Президенти Ислоом Каримов ва Литва Президенти Альгирдас Бразаускас Ўзбекистон Республикаси билан Литва Республикаси уртасидаги икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги қўшма декларацияни имзоладилар. Шунингдек, икки мамлакат уртасида таълим, фан ва техника, сайёҳлик, маданият ва санъат, савдо-иқтисодий, ҳаво йўли ва ҳаво транспорти соҳаларида ҳамда божхона қонунини бузиш ҳолларига қарши кураш борасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги ҳужжатларро битимлар ҳам имзоланди. Ҳужжатларро битимларга икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари — А. Комилов ва П. Гиллис имзо чекдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг ҳар иккала Республикага расмий давлат ташрифи самарали бўлди.

(ЎЗА).



Бухоро шаҳридаги «Шира» фабрикаси иккинчи даражаси тикувчи Подира Юсунова ўз касбини шунга эгаллаб ойлик режасини 115-120 фовздан бажаришга эришмоқда. У тиккан болалар устки кийими сифат жиҳатдан чет эл фирмалари маҳсулотидан асло қолишмайди. Бу билан Подира фабрика маҳсулотлари харидорлар бўлишига ўз улушини қўшиб келмоқда.

Суратда: (чапдан ўнга) илгор тикувчи Подира Юсунова, назоратчи Ояма Ҳайтова, бригада бошлиғи Назира Хусановалар болалар кўзимчилик сифатини кўздан кечирмоқдалар.

Ҳ. ҚУРБОНОВ олган сурат.

Ташаббусга — кенг қанот

Шу кунларда поёнсиз бугдойзорларимизда Республикаимизнинг дон мустақиллигига эришишни яқинлаштириш учун қизгин кураш кетмоқда. Жанубий вилоятларимиздан бошланган галла урими бирин-кетин мамлакатимизнинг барча вилоятларига ёйилмоқда. Ризқ-руз бунёдкорлари бу йил 3 миллион 300 минг тонна хирмонни вужудга келтиришга қатъий аҳд қилганлар.

Мутахассислар фикрича мулжалдаги хирмонни уйиш учун далаларда старли ҳосил тулланган. Урим-йиғимга уюшқоқлик билан киришган галлакорлар қўзланган маррани эгаллашларига шубҳа йўқ. Биз эътиборингизни бу йил қизгин киришлатган бошқа бир муҳим тadbirkor жалб этмоқчимиз. Деҳқонларимиз бугдой ва арпадан бушаган майдонларда пешма-пеш такрорий экишни бошлаб юбордилар. Маккажухори, картошка, сабзи, пивз, қарам, лавлаги, дук-какли усимликлар бошқа чорва учун озуқабоп экинлар 780 минг гектар ерга экилади.

Шунини таъкидлаш керакки, бу тadbirkor «хужакурсин»га эмас, балки жиддийлик билан амалга оширилади. Яъни ҳар бир гектар ердан унумли фойдаланиши, унинг самарадорлигини оширишдек аниқ мақсад билан иш олиб борилади. Яна бир қизиқарли янгилик — дондан бушаган ерларга пахта экиш тadbirkor сифатида синаб қурилади. Аммо, бунда одатдагидек чигит эмас парникларда махсус стаканчаларда устирилган гуза кучатлари ерга утқазилди. Сурхондарё вилоятининг Сароиси туманида шу усул билан 2 минг 400 гектар ерга, республика бўйича — 15 минг гектар майдонга пахта экилади.

—Бу бир мунча кўпроқ меҳнат талаб

қилади, албатта, — дейди Ўзбекистон кишлоқ хўжалиқ Вазирлиги деҳқончилик бош бошқармасининг бошлиғи Р. Исаев. — Аммо аҳоли зич жойлашган минтақаларда ундан ҳеч вақт зарар қурилмайди ва бу усул билан келажакда керагича қўшимча пахта етиштириш манбаи бўлиб қолишига ишончим комил. Хитой, Япония, Таиланд ва бошқа Шарқ мамлакатларида пахтани асосан кучатдан экилиб келинаётгани бу усулнинг истиқболли эканлигини курсатиб турибди. Шимолий Кореяда маккажухори ҳам фақат кучатдан утқазилади. Демак, бу усулдан кенг фойдаланиб, бугдой ва арпа урнига такрорий экинлар экишни яқин орада 1 миллион гектарга етказиш мумкин.

Бу тажрибанинг қатор афзалликлари шундаки, аввало, пахта билан дон уртасидаги қарама-қаршиликка тула барҳам берилди — яъни бирининг майдонини кенгайтириш билан иккинчисини экиладиган ерларни қисқартириш зарурати йўқолади. Шунинг учун ҳам келгуси йилдаёқ кучатдан экиладиган пахта майдонларини 50 минг гектарга етказиш мулжалланяпти.

Галла мустақиллигига эришиш билан бирга керагича «оқ олтин» етиштириш, халқимизни мул-қул сабзавот ва мевалар билан таъминлаш, чорвачиликнинг мустақам эм-хашак заҳирасини вужудга келтириш имкониятлари вужудга келади. Муҳими — бир гектар ер ҳисобига олинадиган даромаднинг кескин ошишига эришилади.

Бундай истиқболлар мустақиллигимиз тўфайли узиға йўл топмоқда, мамлакатимизни катта тараққиёт йўлига олиб чиқмоқда.

Шомаҳмуд ШОБИЛОЛОВ,
«Ишонч» мухбири.

ҲАМ ПАХТА, ҲАМ ДОН!

ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОКЕАЛАРИ

• **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти Ислоом Каримов Япониянинг «Миубиса корпорейшн» компанияси директорлар кенгаши раиси Савроку Морохаси бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Суҳбат чоғида «Миубиса корпорейшн» билан тоғ-қон, нефть ва газ саноати, савдо-иқтисодий ҳамда молия соҳасида ҳамкорлик қилиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

• **ХАЛҚ** ҳужалигида ҳисоб-китобларни жадаллаштириш, тулун интизомини мустақамлаш, ҳужалиқ юртуруви субъектларининг молиявий жанобгарлигини

ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси «Ўзбекистон Республикаси халқ ҳужалигида векселларни қўллаш тўғрисида» қарор қабул қилди.

• **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Олий Мажлисининг биринчи зақирқ иккинчи сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий докторинаси асослари муҳокама қилиш учун матбуотда эълон қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Ўзбекистон Республикасининг «Лотян йзувита асосланган ўзбек аляфбосини жорий этиш тўғрисида»ги қонунга ўзгартиришлар киритиш ҳақи-

даги қарори ҳам қўшмалик матбуотда чоп этилган.

• **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президентининг муҳим халқаро туризм йўналиши — Буюк ипак йўлини қайта тиклаш, хорижий сайёҳларни кенг жалб этиш мақсадида замонавий туризм саноатини вужудга келтириш мақсадида «Буюк ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини анж оддириш ва Республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тadbirkorлар тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

• **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Президенти Ислоом Каримов жаҳон банкнинг минтақавий ваколатхонаси раҳбари Парвоз Ҳасанини қабул қилди. Суҳбат чоғида жаҳон банк билан ҳамкорликнинг илк натижалари ва унинг истиқболли хусусида фикрлашиб олинди.

• **ВИЛОЯТ** марказларида ташқи этилган олий ўқув юртурларида мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш, уларнинг илмий-интеллектуал потенциалини ва моддий техника базасини мустақамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси «Ўзбекистон Республикаси минтақавий олий ўқув юртурларини янада ривожлантириш чора-тadbirkorларини тўғрисида» қарор қабул қилди.

• **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Вазирилар Маҳкамаси юқори малакали мутахассислар тайёрлаш давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда олий ўқув юртурларининг биринчи курсларига абитуриентларни шунга таваланида ижтимоий таъминлаш мақсадида «1995—96 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртурларида қабул тўғрисида» қарор қабул қилди.

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА ҚАДРЛИ ҚАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛЛАРИ! АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

Сиз доний ҳамоҳунингиз бўлиши «Ишонч» газетасига 1995 йилнинг иккинчи ярми учун обуна бўлишига улгурдингизми? Агар улгурмаган бўсангиз — тезроқ ҳаракат қилинг. Чунки обуна муддати жуда қисқа.

Яна бир бор эслатиб ўтамиз: «Ишонч» газетаси шу йил июль ойидан бошлаб ҳафтасига икки мартаба А-2 форматли ҳажмда чиқа бошлайди. Газетамиз янада қизиқарли, рағбатланган бўлиб, турли табақаларга мансуб мухлиларимиз талаб ва эҳтиёжлари тулароқ ҳисобга олинган бўлади.

Қорхоналар ва ташкилотлар учун газетанинг 6 ойлик каталог баҳоси 202 сум 80 тиини.

Эслатма: Вилоятларда обуна баҳоси газетани етказиб бериш харажатларига қараб турлича бўлади.



Касаба уюшмаларининг аҳамиятини, хизматини ўз вақтида тушуниб етмай, ҳақсизликка учраганда ёки саломатлигини тиклаш зарур бўлиб қолгандагина бош уриб келадиган кишилар, ташкилотлар, раҳбарлар ҳам йўқ эмас. Айниқса, бозор иқтисодида ўтилиб, мулкчилик шакли кун сайин ўзгариб бораётган шу кунларда касаба уюшмалари сафларини тиклашдек муҳим ишга эътиборсизлик билан қаралмоқда. Шу муносабат билан муҳбиримиз савдо, умумий оқватлашиш, матлубот кооперацияси ходимлари касаба уюшмалари Фарғона вилоят кўмитаси раиси У. А. Сайдамаев билан суҳбатлашди.

— Урайим Акбарович, сиз раҳбар бўлган тармоққа қарашли соҳаларда мулкни хусусийлаштириш ёки ҳиссадорлик жамиятига айлантириш айниқса жадал бормоқда. Бундай ўзгаришлар пайтида касаба уюшмаларининг тақдирини қай аҳволда?

— Энг долзарб муаммо ҳақида сўз очдингиз. Тўғри, давлат мулкни хусусийлаштирилиб, унга жавобгарлик ва масъулият ҳисси оширилгани, кишиларнинг тадбиркорлик ва ишбилармонлик қобилиятига кенг йўл берилгани жуда яхши. Лекин мулк шакли ўзгарган жойда касаба уюшмалари ишини давом эттириш ёки уни тузиш унутиб қўйилмапти. Ёки кичик-кичик шаҳобчаларда касаба уюшмаси тузиш имконияти бўлмапти. Масалан, музқаймоқ, ичимлик сувлари, гўшт, нон сотиладиган мингдан ошмиқ шаҳобчалар хусусийлашгандан сўнг касаба уюшмаси тузиш имконияти бўлмапти. Чун-

ки бу ташкилотларда 5 тадан кам ходимлар ишлайди. Улар ҳар ойда солиқ инспекциясига патент тўлаб қўйиб, ишни гумбуралиб олиб боришапти. Хўш, уларни ким ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилади? Ким уларни санаторий-профилакторийларга юборади? Болаларни ким оромгоҳларда дам олдиради? Касаба уюшмаси, албатта!

20-30 киши ишлайдиган 500 дан ошмиқ хусусий ошона ва дўконларда эса касаба уюшмаси ташкилоти аросатда.

— Сиз раҳбар бўлган Кўмита бу аҳволга "жим" қараб турмагандир? Хозир кўмитага қарашли нечта

— Демак, улар касаба уюшмаларининг родини, аҳамиятини чуқур тушуниб етишлари керак. Ажаб эмас, газетамиз саҳифасидаги ушбу чиқишингиз, сўзларингиз уларга бориб етса-ю янада фаолроқ ҳаракат қилишса...

— Илоҳим шундай бўлсин. Касаба уюшмалари савдо ходимларининг, ошпазу нонвойларнинг, барча касб эгаларининг суянч тоғларидир. Меҳнат қилган киши шунга яраша дам олиб даволаниши ҳам керак. Биз республикамизнинг истаган санаторийларига имтиёзли нархда йўлланма олиб берамиз. Бундан ташқари Ўзбекистон туманида ўзимизнинг "Конизар" санаторий-профилакториймиз бор. Ўтган йили савдо ходимларининг мингга яқин фарзанди оромгоҳларда дам олди. Бу йил ҳам шу кўрсаткичга эришишга ҳаракат қиламиз.

Соғлом танда—соғ ақл, дейдилар. Касаба уюшмалари спорт мусобақалари ва спартакиадалар ўтказишда камарбаста бўлапти. Ўтган йили митти футбол, шахмат-шашка ва стол тенниси бўйича вилоятлараро спартакиада ўтказдик ва вилоятимиз савдо ходимлари спортчилари ғолиб бўлишди.

Мана яқинда, кўп йиллар касаба уюшмада ишлаган Бувишхон Фармонова хотираси соврини учун спортчи қизлар мусобақаси ўтказиб, ғолибларни мукофотладик.

Бундан ташқари касаба уюшмаси жойларда меҳнат қонунарига қатъий риоя этилишини талаб қилади. Ишловчининг ҳуқуқини қонун билан ҳимоя қилади. Яқинда шундай бир воқеа бўлди. Хусусий дўкон қурмоқчи бўлган йигит ноҳақ зарбага учраб, ишни ташлаб кетиш даражасига етганда бизга мурожаат қилди. Ва аралашувимиз, ҳимоямиз билан у ўз ишини муваффақиятли давом эттириб, мақсадига етди. Бундай мисоллар жуда кўп.

Хуллас, бу муаммо фақат бизнинг вилоятда эмас, республика миқёсда ҳам мавжуд. Марказий Кўмитамиз бу масалада зудлик билан тавсияномалар юборади, деган умиддамиз.

— Урайим Акбарович, бугунги долзарб ишнингизда Сизларга муваффақиятлар тилаймиз.

Суҳбатдош: Санъат МАҲМУДОВА, "Ишонч" муҳбири.



Тўрақўрғон туманидаги "Намангансельмаш" заводи асосан қишлоқ ҳўжалигини фойдаланиладиган техникалар, сеялкалар, ишлов берниш воситаларига ерданчи қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.

Бу маҳсулотларга талаб камлигини ҳисобга олган завод маъмурияти фақат буюртма асосида ишламоқда. Лекин завод ўз ишчи ва ходимлари бўш қолмаслигини инобатга олиб бошқа маҳсулотлар турини кўпайтирмоқда.

Марказий Осиёда биринчи бўлиб ичига пластмасса идриш ўрнатиб синмайдиган термослар ишлаб чиқилмоқда. Бу идришлар қишлоқ ҳўжалиги ходимлари, транспортчилар, саяҳатчилар учун қулай. 16 соат мобайнида ўзида иссиқликни сақлаб тура олади.

Суратда: пластмасса цехи ишчиси Адҳам Иномов.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

ТРАНСПОРТДА ЮРИШ БЕПУЛ

Хозир ҳамма нарса иқтисодга боғлиқ бўлиб қолди. Биргина транспортда юриш учун ҳам анча-мунча пул керак. Касаба уюшмалари Бухоро вилоят кенгаши бозор иқтисодиёти шароитида меҳнатқашларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг оғирини енгил қилиш учун ҳар бир имкониятлардан фойдаланмоқда.

Ўтган йили май ойида вилоят ҳокимлиги билан касаба уюшмалари кенгаши раёсатининг қарорига мувофиқ қишлоқ жойларда яшайдиган баъзи тоифадаги маориф ва тиббиёт ходимлари ўз ҳудудларида қатновчи транспортда бепул юриш ҳуқуқига эга бўлдилар. Бу, шубҳасиз, улар учун катта қулайликдир.

Тиббиёт ходимлари вилоят касаба уюшма кўмитаси раиси Ш. Султоновнинг айтишича, ҳозирги кунда шаҳар ва туманлардаги саломатлик посбонларидан 5 минг нафари ана шундай имтиёздан баҳраманд бўлмоқда. Яқин келажакда имтиёзлар сонини ошириб, тиббиёт ходимлари учун жойларда яна қўшимча шарт-шароитлар яратиш мўлжалланмоқда.

Носир ТОШЕВ, "Ишонч" муҳбири.

ИЗЗАТ-ҲУРМАТ ДОИМО БЎЛСИН

Урушда ва уруш ортида заҳмат чеккан ватандошларимиз доимо иззат — ҳурматда бўлишлари керак.

Бу эғзу мақсадга амал қилиб Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгаши уруш қатнашчилари ва уруш ортида бутун куч-гайратини ишга солиб, жон олиб жон берган отахон — онахонлар учун 150 та бепул йўлланма ажратди. Улар вилоятимиздаги энг яхши санаторий, санаторий-профилакторийларда даволанадилар ва ҳордиқ чиқарадилар.

Яқинда Тошкент вилояти фахрийлар иттифоқи кенгаши олдида 50 нафар фахрийни "Минерал сувлар" санаторийсига жўнатиш маросими бўлиб ўтди.

Тантананада нутқ сўзлаган Ўзбекистон Республикаси Фахрийлар Иттифоқи Кенгашининг раиси Б.Раҳимов, Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгашининг раиси М.Тўлаганова инсониятни фашизм балосидан асраб қолишга катта ҳисса қўшган онахон ва отахонларнинг хизматларини таъкидлаган ҳолда уларга сўхат — саломатлик, бардамлик, хуш кайфият тиладилар.

— Вилоят касаба уюшмалари кенгаши томонидан кўрсатилган бу ғамхўрликдан фахрийларнинг кўнгли ниҳоятда шод бўлди. — дейди вилоят фахрийлар иттифоқи кенгашининг раиси А.Алимов, — уни кексаларга юртга ҳурмат, ватан туйғуси, мардлик, меҳнатсеварлик, садоқат тушунчаларини улуглаш деб тушунаман.

Улар орасида уруш фахрийлари, шунингдек қўли қадоқ дехқонни, металлургни, цементчини, мураббийни, турли касб эгаларини кўриш мумкин.

Биз фахрийлар билан суҳбатлашамиз. О.Носиров. У киши уруш қатнашчиси урушдан қайтиб илм билан шугулланган. Тарих фанлари номзоди. Я.Мамадиёров эса урушдан сўнг пахта майдонида "жанг" қилди. Ўқиди. Кўп йил Янгийўл туманидаги собиқ "Коммунизм" жамоа ҳўжалигини бош агроном бўлиб ишлади. Қибрайлик М.Юсупова умр бўйи мактабда мураббийлик қилди.

Уша оғир йилларда фидокорона меҳнат қилган, урушдан сўнг тинч қурилиш йилларида Ватан учун жон фидо бўлган онахон ва отахонлар доимо омон бўлсинлар.

М.КАРИМОВ, З.РЎЗИЕВА.

Б.ПЎЛАТОВ.

Ўз аравасини-автобусини тинчгина судраб юрган Хайитвой Исмоиловнинг бошига бало-қазо бирдангина "болалаб" келди. Дастлаб унинг жонсарақ ва меҳрибон хотини кутилмаганда қазо қилдию, 9 фарзандни боқиб, тарбиялаш бир ўзига қолди. Тақдирнинг бу ногаҳоний зарбасидан ўзига келолмай қарақт юрган кунларида эса, яна бир кулфатга қолди. Хайитвой бошқарадиган автобус бир "Жигули" автомобили билан сал тўқнашиб кетди. Шукрим, ҳеч ким жароҳатланмади. "Жигули"нинг пешонаси салгина қашқа бўлди, холос. Аммо мана шу тўқнашунинг ғаму ташвиши, сарсон-саргардонлиги, изтироблари умр йўлдошининг ўлимидан ўн чандон ошиб тушди. Инсон асабларининг мустаҳкамлиги қанча? Уни ўлчаш мумкинми? Ўлчаш шарт эканми? деб елка қисдингиз-а? Аммо ўлчаб кўрай деганлар бўларкан. Шу тўқнашув сабаб бўлди-ю, оз эмас, кўп эмас, Хайитвой аканинг асабини роса 10 йил таранг тортиб кўрдилар. Хатто руҳий касалхонага тушиб, даволаниб етган пайтида ҳам, ундан сўнг ҳам синиб кўравердилар.

Воқеа 1986 йил май ойида, Андижон шаҳрининг энг ғажвум чорраҳасида юз берган эди.

Давлат автоназорати ходимлари Хайитвой Исмоиловнинг ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб кўйишди. Устига-устак салгина шикастланган "Жигули" эгаси Т. Нишоновга "зарар учун" 180 сўм пул тўлашни ҳам унга буюришди. Бундан хабар топган 2511-автокорхона раҳбарияти ўзининг 20 йиллик кадрдон хизматчисини шошилинч равишда ишдан ҳайдади. Ҳақ эгилиб, ноҳақлик устун турганидан изтиробда қолган ҳайдовчи адолат истаб идорама-идора югура бошлади.

— Жон акалар, тўқнашув сабабини дурустроқ текширинлар. Суягим шу касбда қотган. Бирор марта ҳам на интизомни, на йўл қоидасини бузганим йўқ.

Ҳайдовчиликдан бошқа ишни эпловмайман ҳам, хоҳламайман ҳам. 9 фарзандимнинг емоқ-ичмоғи шу касбимга боғлиқ, ахир.

"Нима деярсиз" дейдиган мард топилмади. Энди у суддан ердан сўради.

Дастлабки суд Ҳайитвой, унга нисбатан белгиланган жазо чоралари асоссиз, чуқки тўқнашув кўпроқ "Жигули"нинг айби билан юз берган, деб қарор чиқарди. Суд ҳукми — вожиб.

Шу билан ҳамма ғалвалар тинчиши, Хайитвой Исмоилов ўз вазифасига тикланиши, нонлоқлик-

дан ишда бўлмаган кунлари учун ҳақ олиши, айбдор Т.Нишонов 180 сўмни қайтариб бериши, унинг устига автобусни таъмирлаш учун кетган харажатини тўлаши, хуллас — ҳақ қарор топиши керак эди.

Лекин "Жигули" эгаси ўзининг анойилардан эмаслигини кўрсатиб қўйиш ниятида судга арзод қилди. Вилоят судининг тавсияси билан шаҳар суди масалани иккинчи марта кўриб чиқди ва олдингисига батамом тескари мазмунда қарор чиқарди.

Энди норозилик билдириш навбати Ҳ.Исмоиловга ўтган эди. Суд унинг аризасига кўра ишни учинчи марта кўриб, тўқнашувда автобуснинг

Асаб тарозибонлари

айби, йўқ, деб топди...

Борингки, икки автомашинанинг ўзаро тўқнашиб, пешонани бироз қашқа қилиб олганликлари ҳақидаги "иш" йиллаб судма-суд юрди, борган сайин семирди, жиддийлашаверди. Бир тўқнашувда Ҳ. Исмоилов окланиб, Т.Нишонов кораланса, иккинчисида Т.Нишонов окланиб, Ҳ.Исмоилов кораланиди.

"Ишга қўшилиб, афтоҳаҳол бир оила бошлигининг, тажрибали ва доим тақдирланиб келган ҳалол бир ҳайдовчининг, айбсиз оддий бир фуқаронинг иззат-нафаси ҳам, қадр-қиммати, саломатлиги, тинчи ҳам тўндан баттар қўлма-қўл юрди. Хайитвой аканинг ўзигагина эмас, унинг маоши ҳисобига яшаб келётган 9 нафар ерман-қиярман боланинг тақдирини ҳам тўпдек ўйнади. Бир йил эмас, 3 йил эмас, 5-6 йил эмас яқин 10 йил шундай бўлди. Бу йиллар орасида мазкур жанжалли ишни Андижон музофотида кўриб чиқмаган суд идораси қолмади, қўшин Наманган ва Фарғона вилоятларида ҳам неча-неча ҳақ-ҳуқуқ идораларида қўлдан-қўлга ўтди.

Кейинги йилларда қарши тараф-енгил автомашина эгасининг дармони қуридами, бошқа бўлди, ҳарқалай таслим бўлганга ўхшаш иш тутди. У тинчиди-ю, 2511-автокорхона раҳбарияти ўз ходимига қарши жангга киришди.

— Нечуқки, сени ишдан бўшатиш ҳақидаги қароримиз устидан судга шикоят езиб, бизни

Вилоят миқёсида ўтказилган йиғилишда сўзга чиққан раҳбарлардан бири бозор иқтисодиёти қийинчиликларини рўқча қилавергач йиғилишни бошқариб бораётган раис унга эътироз билдириб, қатор илғор корхоналарни санаб берди.

Ҳақиқатан бугунги кунда Жийдакапа темир-бетон маҳсулотлари корхонасида биронта ҳам ишчи қисқармади, ойлик маошлар кечиктирилмасдан тарқатилмоқда. Белги-ланган режалар эса ўз вақтида бажарилаяпти. Қуйида ана шу корхона ҳақида ҳикоя қиламиз.

РАҲБАРНИНГ ОБРЎСИ НИМАДА!

Ҳамидхон Тошмирзаев билан яқинроқ танишиб олганимиздан сўнг йиғилишни эслатдим. Ҳамидхон ака негандир ҳижолат тортгандай бўлди.

— Тўғри, ҳозир ҳеч кимга осон эмас, — деди ажинларини ёзмоқчидек манглайини силаб кўйиб. — Лекин, барибир, раҳбарнинг биринчи галдаги вазифаси кўл остидаги ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, яшаш шароитларини яхшилашдан иборат.

Х. Тошмирзаев пича сукут сақлади-да кўшиб кўйди:

— Албатта, бунинг учун кассада пул бўлиши ҳам керак. Пул, бойлик эса меҳнат оқасидан, хусусан, ишлаб чиқаришда маҳсулот бунёд қилиш билан бинога келади. Ахир, неча асрлардан бери ажриқ ҳам битмасдан шамолда шалдираб ётган шағал уегидека қад кўтарган корхонамиз-у ишчилар шаҳарчаси ҳам инсон пешона тери меваси-ку! Вилоят қайта ташкил этилгач, ўз-ўзидан қурилишлар кенгайди, табиийки, замонавий иморатсозлик нони саналмиш темир-бетон маҳсулотларига нисбатан эҳтиёж ортди. Натигада 1974 йилда дастлаб цех қаторида ҳозирги улкан корхонага пойдевор қўйилди. Бугунги кунга келиб фақат ишлаб чиқариш билан боғлиқ 10 гектар, шағал олиш қарьерларини ҳам қўшиб ҳисобланганда 100 гектар майдонни эгаллаган мазкур қурилиш саноат тармоғи йилига 75 минг кубометр ҳажмда 32 хил турдаги йиғма темир-бетон маҳсулотлари тайёрламоқда. "Наманган вилоятининг Жийдакапа темир-бетон корхонаси" тамғаси қўйилган сув қурилиши, саноат ва фуқаролик иморатлари темир-бетон маҳсулотларини дуненинг қатор мамлакатларида яхши билишади.

Афғонистоннинг Ҳайратон, зилзиладан зарарланган Арманистоннинг Спитак, Туркменистон ва Тожикистон, Қозоғистон ва Қирғизистондаги қатор шаҳарлар ҳамда қишлоқларни тиклашда, сув ҳамда саноат иншоотлари барпо этишда кўл келди. Ҳамидхон Тошмирзаев директорликка тайинланган 1983 йилдан бери ишлаб чиқариш 3 баробардан зиёд ортди. Ишчи-хизматчилар фарзандларига мўлжалланган 140 ўринли болалар боғчаси ҳар бири 16 квартирадан иборат 6 та турар-жой ҳам шулар жумласидандир.

Ахси қишлоғи аҳолиси ҳар тарафлама қўллаб-қувватланмоқда. Қишлоқ фуқаролари корхона маблағи эвазига тоза ичимлик суви ҳамда табиий газ билан таъминландилар. Улар учун соатига 25 киши ювинадиган ҳаммом куриб берилди.

— Буларни оддий майда тошлар деб ўйламанг, турган-битгани бойлик, Ҳамидхон ака офтоб нури жириллаётган Норин дарёси соҳилига ишора қилади. — Фақат ундан оқилна фойдаланишни удалай би-

лиш керак. Латифжон Асрабоев, Сайдулла Бойхонов, Муродилла Нажмиддиновлар раҳбарлик қилишаётган цехларимизнинг ишчилари ана шу соҳадаги курашнинг олдинги сафларида бормоқдалар.

— Иқтисодий бўҳрон деб аталаётган ҳозирги замонда ишлаб чиқаришни уюштиришда қийинчилик сезилмаяптими?

Х. Тошмирзаев камтарона жилмаяди:

Инсон чин юракдан интилса, ҳаракат қилса, ечилмайдиган муам-

мумкин. 140 кичкинтой кун ўтказётган боғча, 250 ўринли икки қаватли муҳташам ишчилар ошхонаси, клуб, кўркем турар-жойлар кўнглингизда илиқ туйғулар уйғотади.

— Бозор шароити жамоамиз аъзолари ижтимоий турмушига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмаяпти. — Ҳамидхон Тошмирзаев гапида давом этади. — Қолаверса ўзбек оиласи болажон, бунинг устига нима кўп, тўй ва маърака. Қуруқ маошнинг ўзи нимага ҳам етарди. Шу боисдан қандай усул билан бўлмасин, ишчи-хизматчиларни моддий жиҳатдан қўллаб-қўлтиклаш чорасини кўрмоқдамиз. Корхона қошида ташкил этилган ердამчи хўжаликлар бу соҳада ниятларимизни рўёбга чиқариш йўлида хизмат қилияпти.

Чунончи, 3 гектар ташландик майдонни ўзлаштириб мевали боғ яратдик. Яна шунча гектар шағалдан бўшаган чуқурликни сув билан тўлдириб, балиқ урчитадиган ва кўпайтирадиган кўл бунёд

Наманган-Учқўрғон йўналишида "Уйчи" номи билан янги бекат пайдо бўлди. Бунинг сабабчиси ҳам Жийдакапа темир-бетон маҳсулотлари корхонасидир. Гап шундаки, бу ерда тайёрланаётган йирик ҳажмдаги йиғма темир-бетон захираларни темир йўл бекатларига ташиш, аввало маҳсулот таннархини қимматлаштирар, қолаверса, турли овозагарчиликларни келтириб чиқарар, гоҳо маҳсулот сифатининг пасайишига олиб келарди. Салкам 20 чақиримлик ма-софадан темир йўл шаҳобчасини тортиб келтиришдек давлат аҳамиятига молик иш 18 йилдан бери муаммолар қаторида кўндаланг турарди. Бу қийин ишни амалга ошириш ҳам Ҳамидхон Тошмирзаев чекига тушди. Ниҳоят йил бошидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни корхона майдончаларидан махсус вагонларга юклаш бошланди. Бу ютуқ билан суҳбатдошимизни табриклардим.

— Йигирма йиллик эзгу режа амалга ошувига елгиз ўзимизнинг қўлимиз калталиқ қиларди, албатта. — манунлик билан дейди Х. Тошмирзаев. — Ўзбекистон Сув Хўжалиги Вазирлиги, вилоят сув хўжалиги бошқармаси, вилоятимиз ва туман ҳокимликлари бу борадаги интилишларимизни қўллаб-қувватладилар. Темир йўл тармоғининг Норин қирғоқларига чўзилиши фақат бизнинг ишимизни осонлаштириб, ишлаб чиқаришимиз кенгайишини таъминлаганига қолмасдан Уйчи тумани рўпарасида яшовчи одамлар мушкулларини енгилатади. Улар энди поездга чиқиш учун Наманган еки Учқўрғон шаҳарларига бориш овозагарчилигидан қўтилдилар. Бундан ташқари, туманимизнинг етиштирилаётган дехқончилик маҳсулотларини жўнатиш енгиллашди. Узоқ вилоятлар билан иқтисодий алоқалар кучайди. Масалан, сараланган шағалга катта эҳтиёж сезадиган Хоразмга бемалол юк жўнатмоқдамиз.

Ҳамидхон ака билан олдинда турган вазифалар хусусида ҳам анча фикрлашдик.

— Асли темир йўл келишининг ўзи Президентимиз таъкидлаганларидек, еруг қунлар узоқ эмаслигининг исботидир. — жилмаяди Ҳамидхон Тошмирзаев. — Қолаверса, ўтган йилнинг иккинчи яримларидан маҳсулотимизга нисбатан эҳтиёж кескин ортди. Ахир, кишининг қорни тўқ, эгни бутун бўлсагина ободончилик, янги қурилишлар қилишни ўйлайди. Шу ўринда биргина вилоятимизни мисолга олайлик. "Мингбўлоқ" нефть қони худудида якка тартибда 1250 та турар-жой, болалар боғчаси, шифохона ва бошқа маданий-маиший ҳамда маъмурий бинолар, Наманган-Тўрақўрғон катта йўлининг кенгайиши муносабати билан унинг ҳар икки чеккасига кооператив иморатлар, барча туман ва шаҳарларда қўллаб-қувватланган бунёд этиш мўлжалланган. Бунинг учун биринчи навбатда қурилиш "нони" бўлган темир-бетон захиралари зарур. Демак, корхонамиз маҳсулотларига эҳтиёж ортади. Ишлаб чиқариш кенгайгач, ишчи-хизматчилар маоши кўтарилди. Турмуш фаровонлиги юксалди. Ана шулар бизга қанот бағишлаяпти, астойдилроқ меҳнат қилишга жонажон Ўзбекистонимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун бор куч-гайратимизни ишга солишга чорламоқда.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
"Ишонч" мухбири.

Шағал ўстидаги саноат шаҳобчаси

мо йўқ. Дарҳақиқат, аввалги йилда ва ўтган йил бошларида темир етишмовчилигидан қийналдик. Аммо бунинг иложи топилди. Россиянинг Челябинск, Магнитогорск, Орёл шаҳарларидан шериклар топиб шартномалар туздик. Уларга сабзавот, полиз ва тўқимачилик маҳсулотлари етказиб берадиган бўлдик. Эвазига бизни темир билан таъминлашапти. Семон муаммоси эса республикамизда ҳал бўлган. Шағал захираси бизда битмас-туганмас.

БОШ МАҚСАД — ИНСОН ОМИЛИГА ЭЪТИБОР

— Меҳнат маҳсулидан, юксалиш самараларидан жамоа манфаат кўрмас экан, бунақа ўсишнинг кимга кераги бор, — дейди шу мавзуда гап кетганда корхона касса уюшма кўмитасининг раиси Ривожиддин Жамолов. Шартномада ишчи-хизматчилар меҳнат ва фарзандларининг эзги таътилини кўнглили ўтказишларига эришиш, саломатликларини мустаҳкамлаш, турли байрамлар, Наврўз, Қурбон ҳайити каби миллий саналарни нишонлаш, моддий кўмакка муҳтож кўп болали оилаларни, қаровчисини йўқотганлар, ногиронлар ҳамда беморларга гамхўрлик қилиш каби масалалар қамраб олинган.

Бу ерда яшаётганлар турмуш шароити билан танишсангиз, кўмита раиси айтганларининг амалдаги исботига гувоҳ бўласиз. Энг аввало, менда катта таассурот қолдирган нарса ишчилар шаҳарчаси ва маъмурият биноси, ишлаб чиқариш майдонлари-ю, кўча ва йўлақлар атрофидаги яшиллик бўлди. Корхона саҳнидаги ва 300 газдан зиёд чўзилган майдонда ястанган гулзор гўзаллигини Наманган боғидаги гулзорга қисқаш

қилдик. 7,5 гектар тошлоқ ерни элақага келтириб, шולי экяпмиз. Чорвачилик ердამчи хўжалигини ҳам ташкил этганмиз. Уларда етиштирилаётган маҳсулотлар тафтиш гуруҳимиз томонидан қаттиқ ҳисобга олиб борилади. Масалан, ўтган йилнинг охирида ишчи-хизматчиларимизга гоят арзон баҳоларда 10 тонна шולי тарқатилди. Боғдан чиққан мева, балиқ маҳсулотлари ҳам вақти-вақти билан бериб борилади. Ферма ердამчи хўжалигида етиштирилаётган сут иш жараёни мураккаб ҳисобланган уасткаларда меҳнат қилаётганларга бепул тақдим этилади.

— Ошхонамизда куюқ, суюқ овқат нархини чой билан қўшиб ҳисобланганда 5 сўмдан ошмайди. Сабаби, масаллигининг кўпи ўзимиздан чиқади. Холбуки, бу унинг ярми баҳосигина демакдир.

Менга Уйчи тумани ҳокимлигида корхона маъмуриятининг яна бир хайрли ишини айтиб беришди. Қўшни Ахси қишлоғидаги боқувчисини йўқотган ва ногиронлардан 62 нафари оталиққа олинди. Уларга вақти-вақти билан бепул гуруч, гўшт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, кийим-кечақдан ердამ кўрсатиб бориларкан. Бундан ташқари ушбу қишлоқда истиқомат қиладиган кексалар корхонада узоқ йил ишлаб оламдан ўтган кишиларнинг кўмакка муҳтож оилаларига корхона хисобидан 10 та уй қуриб берилди. Бир қатор елгиз кексаларнинг турар-жойлари таъмирланди. Умуман, йилга шу ерда меҳнат қилиб, ўзини кўрсатган ишчи-хизматчилардан 3 нафарига иморат қуриб тақдим этиш одат тусига киритилган.

ЯХШИ КУНЛАР ЁҒДУСИ

Бу йил корхона жамоасидагина эмас, Уйчи тумани, умуман Наманган вилояти ҳаётида қувончли воқеа юз берди. Тошкент — Фарғона водийси айланма темир йўлининг

РОССИЯ БУЮРТМАСИ АСОСИДА

Бахмал туманидаги "Ўсмаг" тикувчилик фабрикаси ташкил топганига кўп вақт бўлгани йўқ. Шу давр ичида корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ўсиб, маҳсулотлардан кўрпа гилофлари, матрац, болаларбоп кийим-кечақлар тикилган бўлса, ҳозир қизлар кўйлақлари, аёллар халатлари тикилмоқда. Янги йилдан эътиборан фуфайка тикиш йўлга қўйилди.

— Бундай усулда ишлашимизга Россиядан

берилган буюртма сабаб бўлди. — дейди фабрика директори А. Эсонов. — Жамоамиз бир ойда 2-2,5 минг дона фуфайка тайёрлашга эришяпти. Йил охиригача эса уни 25-30 минг донага етказиш мўлжалланяпти. Фуфайкалар эвазига Россия бизга тикув машиналари юборади. Фабрикада ип-газлама етишмаётгани рости. Уни Андижон ва Тошкент ип-газлама комбинатидан оляпмиз.

Тикувчилик фабрикасида 140 нафар киши меҳнат қилмоқда. Улар орасида Хайринисо Омонова, Муқаддам Ганиева, Хосият Андақулова, Гулнора Ҳақимова, Холбуви Бекжоновна, Юзбуви Шодмоновалар кўпчиликка ўрнатилган бўлишяпти.

А. ЭРҒАШЕВ,
"Ишонч" мухбири.

АРҒАМЧИГА ҚИЛ ҚУВВАТ

Қашқадарё вилоятининг Косон туманида тузилган шахсий ердამчи хўжаликлар эгаларининг иттифоқига Ўткир Турдиев раис этиб тайинланганидан кейин иттифоқ фаолияти кескин ўзгарди. Иттифоққа аъзо бўлган кичик корхоналар сони тўрттадан тез орада ўн биттага кўпайди. Ердამчи хўжаликлар эгаларига барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилиши натижасида маҳсулот етиштириш миқдорини ҳам кескин оширишга эришилди.

Энг муҳими, кичик корхоналар эгаларининг ишлари марказлаштирилди. Бу борада туман ҳокимлиги биринчи муовини Баҳодир Маҳмудовлар яқиндан амалий ердამлар кўрсатишди. Шу тўғрисида ҳам ўтган йили кичик корхона эгалари йилни муваффақиятли якунладилар. Кичик корхоналарнинг тадбиркорлари асосан туман аҳолисида қурилиш, маиший хизмат, автосервис хизматлари кўрсатиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва сотиш ишлари билан шуғулланишди.

Ўтган йили кичик корхоналар жамоалари 62 тонна галла, 76 тонна пахта, 20 тонна полиз ва 10 тонна сабзавот маҳсулотлари етиштириб, сотишди.

Ўтган йили 350 киши билан ўзаро шартнома тузилган эди. Шартномага мувофиқ, шахсий ердამчи хўжаликлар эгаларига иттифоқ орқали Косон ёғ-мой заводи ҳамда Қашқадарё ун комбинатидан йил давомида 600 тонна омухта ем, 120 тонна кунжара, 50 тонна шелуха олиб берилди. Тадбиркорларнинг ўз кучлари билан ҳам 60 тонна дагал ҳашак тайёрланди. Ўз навбатида шахсий ердამчи хўжаликлар эгалари ҳам шартномада белгиланган гўшт, сут, жун ва бошқа чорвачилик ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириб беришди.

Бу хусусда "Кўнғиртов" жамоаширкат хўжалиги худудида фаолият кўрсатишаётган Дилбой Эшматов бошлиқ "Илғор" ва Бахтиёр Мўминов раҳбарлик қиладиган "Дилшод" кичик корхоналари жамоалари эришган ютуқлар айниқса, салмоқли бўлди.

— Режаларимиз пухта, — дейди иттифоқ раиси Ўткир Турдиев, — шахсий ердამчи хўжаликлар учун яна тўртта қишлоқда дўкон очини мўлжаллаб турибмиз. Бундан ташқари, туман аҳолисини баҳоли қудрат иш билан таъминлаш, ишсизликка барҳам бериш муаммосини ҳал этиш ҳаракатига ўз ҳиссамизни қўшиш ниятидамиз. Шу мақсадда кичик корхоналар сонини йил охиригача йигирматага етказишни мўлжаллаб, шунинг ҳаракатни кўраёпмиз.

Ўткир Турдиевнинг таъкидлашича, ҳозир иттифоққа қарашли кичик корхоналар ихтиёрида 120 гектар лалми экинлар экиладиган майдоннинг 80 гектарига кузги, 40 гектарига баҳорги галла сепилган, 62 гектар сугориладиган майдоннинг 40 гектариде пахта, 22 гектариде полиз ва сабзавот экинлари етиштирилади. Айни пайтда тадбиркорлар ихтиёрида 14 бош қорамол, 50 дан ошиқ қўй-қўзи ҳам боқилмоқда.

Хуллас, арғамчиға қил қувват, деганларидек қосонлик шахсий ердამчи хўжаликлар томонидан етиштирилаётган чорвачилик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳам аҳоли эҳтиёжини қондиришга муносиб улуш бўлиб қўшилмоқда.

Нормамат ТОҒАЕВ.

ҲАР бир давлат ўз иқтисодини ўзининг барча табиий, молиявий, интеллектуал имкониятидан максимал фойдаланган ҳолда ривожлантириб, ўз халқига юқори даражадаги турмуш тарзини яратишга ҳаракат қилади. Бундан мустақил Ўзбекистон давлати ҳам мустасно эмас. Республика Президенти бошчилигида бутун куч-қувват иқтисодни имкони борича тез ривожланиш йўлига утказишга ҳаракат қилиняпти.

Иқтисодни ривожлантириш, аҳолига юқори турмуш тарзини яратиш жаҳондаги жуда кўп мамлакатлар олдида турган долзарб вазифалардан. Ҳатто ривожланган мамлакатлар ҳам кейинги йилларда тараққиёт қайси йўлдан бориши керак ва қандай қилиб турмуш тарзини янада такомиллаштириш мумкинлиги ҳақида уйламоқдалар ва бу йўللари қидирмоқдалар.

1990 йилларнинг бошида АҚШда инсоният тараққиётида капиталистик ишлаб чиқариш ўз имкониятини тўла ишлатиб булганлиги, энди янги ишлаб чиқариш усуллари, йўллари қидириб топиб ишга солиш масалалари тўғрисида конференция, семинарлар бўлиб ўтган эди. Лекин шу фикрни ҳам қайд қилиб ўтиш жоизки, 1917 йилдан бошлаб дунёда икки ишлаб чиқариш усули синондан ўта бошлаган эди. Бу усулларнинг бири капиталистик ишлаб чиқариш усули бўлиб, иккинчиси — социалистик ишлаб чиқариш усули эди.

Капиталистик ишлаб чиқариш хусусий мулкчиликка асосланган бўлиб, инсоният тараққиётидаги табиий ривожланиш йўлидан иборат эди. Бу усул бозор муносабатларини ривожлантириб, унинг замида манфаатдорлик ётар ва бу ўз навбатида меҳнатта бўлган муносабатни белгилаб, унмдорлик, сифат, самардорлик, тежамкорлик, фойда, даромад курсаткичларини узлуксиз ўстириш имконини берарди.

Бу жамиятда инсон ўзининг билимини, малакасини ошириш, ҳар томонлама камолотга эришишдан манфаатдор эди. Чунки булар унинг моддий заминини яратиш, уни мустақамлашга хизмат қилар эди. Шунинг учун у жамиятда ўқиш, илм олиш, касб эгаси бўлиш, малакали бўлиш хурмат-иззат манбаи ҳисобланарди. Албатта, капиталистик жамиятда ҳамма нарса ҳам яхши бўлган эмас. У тузумнинг ҳам узига яраша камчиликлари бўлган. Тузум одамларни бойлигига қараб табақалаштириб юборган ва ўта бой билан камбағалнинг орасидаги тафовут баъисоли ер билан осмонча бўлиб қолди.

60-йиллардан бошлаб капиталистик жамиятни ҳар хил усулларни қўллаб оммилайлаштиришга, халқпарвар қилишга интилиш кучайди. Ҳозирда капиталистик мамлакатлар деган ибора, кўпроқ ривожланган мамлакатлар деган ибора билан алмаштирилди.

Дарҳақиқат, капитализм ишлаб чиқариш кучларини ва уларнинг унмдорлигини эришиш мумкин бўлган энг юқори курсаткичларга олиб чиқиди. Кўп илмий, техника муаммоларини ҳал қилиб, амалда қўллаш борасида ҳам мисли қўрилмаган ютуқларга эришилди. Манфаатдорлик механизми меҳнатни уюштириш, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, бошқариш масалаларини узлуксиз такомиллаштиришга олиб келди. Бу шароит нафақат инсон меҳнатининг унмдорлигини оширишга олиб келди, балки инсоннинг ўзи ҳам такомиллаша бошлади. Унинг маданияти, онги, ижтимоий ҳаёти ҳам такомиллаша борди.

Ривожланган мамлакатларда инсон ҳаётининг энг такомил намуналари пайдо бўла бошлади. Бу намунанинг энг асосий атрибутлари — турар-жойларнинг барча қўлайликларга эга бўлиши-ю, замонавий электрон жиҳозлар билан тўлдирилган ошхона, мебель, жон бошига телевизор, бошқа қўлайликлар яратадиган жиҳозлар, ускуналар ва ҳоказолардир.

Ривожланган мамлакатларда яна кўзга ташланадиган нарсалар — инсон истаган барча нарсаларнинг муҳайелиги, табиатта меҳрибонлик билан қарашу юқори маданият. Юқорида келтирилган фикрларни ёзишдан мақсад, асосий бир ҳулоса қилиш ва у шундан иборатки, инсон унумли ишлаб иқтисодни ривожлантирган. Ривожланган иқтисод инсонга юқори савияли турмуш тарзи, маданият, табиий ёрдам курсатиш тизимини яратиш имконини берган. Инсон маданиятининг юксаклиги унинг табиатга, тузумга бўлган муносабатини ҳам бутунлай ўзгартириб юборган.

Агар ҳар 10 минг кишига тўғри келадиган бир қатор жиноятчиликка, ҳуқуқни бузиш, касаллик, болаларнинг улими, касалланиш, ичкиликбозликка оид курсаткичларни таҳлил қилсак — бу курсаткичлар иқтисоди, маданияти, ижтимоий ҳаёти юқори даражада ривожланган мамлакатларда анча паст даражада эканини кураимиз.

Совет Совет давлатида мулкнинг умумийлаштирилиб, ижтимоийлаштирилиб меҳнатта бўлган муносабатта салбий таъсир курсатди. Бу таъсир меҳнат унмдорлигининг паст бўлишида, маҳсулот сифати ва бошқа иқтисодий курсаткичларда ҳам ўз аксини топди. Ўқиш, малакани оширишдан манфаатдорлик механизми ишламай қўйган эди. Одамлар ёшларига давлатга бўлган ва унга қарам эдилар. Инсон ўз меҳнатининг маҳсулига эга бўла олмади. Барча яратилган неъматлар давлат томонидан тортиб олинди, ким қанча ҳисса қўшганидан қатъий назар қайта тақсимланарди.

Социалистик тузум ҳамма нарсага яқка ҳоким эди. Одамлар эркин фикр қилиш, уни изҳор этиш ва асосий инсон ҳуқуқларидан бутунлай маҳрум қилинган эдилар. Бу вазият инсоннинг ривожланишига, айниқса, унинг тафаккурининг ўсишига, маданий такомиллашишига тўсиқ бўлиб қолган эди. Охир оқибатда вазият иқтисодда, ижтимоий ҳаётда анча кескинлашган ва оғирлашган эди.

Икки тузумнинг мусобақасида, албатта галаба биринчисида бўлган. Лекин ҳозирги кунга келиб, биринчи усул у қўлланилаётган мамлакатларни қониқтирмай қўйган бўлса, иккинчиси мутлақо тўғри келмайдиган бўлиб

чиқди.

70-йилларда қатор ривожланган мамлакатларнинг олимлари XXI асрда инсоният тараққиёти қайси йўлдан бориши кераклиги масаласига оид тадқиқотлар ва таҳлиллар олиб бора бошладилар. Гап шундаки, ҳозирги замон иқтисодий назариясига қўра ривожланиш учун сармоя керак бўлиб, у яратилган қўшимча қийматнинг бир қисмини жамғариш эвазига топилиши, кейин сармоя сифатида халқ ҳужалигининг тармоқларига қўйилиши матлуб ҳисобланади. Бир қатор хорижий мамлакатлар олимлари сармоя қайси соҳага тикилиб, қандай самара берганлигини мисолларда таҳлил қилиб қўрганлар. Масалан, тоғ-кон ишлари, нефть-газ, қурилиш, транспорт, қишлоқ ҳужалиги, маиший хизмат, таълим ва ҳоказолар.

Қўйилган сармоялар энг кўп самара берган соҳа таълим бўлиб чиққан. Шундан келиб чиқиб, хорижий мамлакатларда иқтисодни ривожлантириш сиёсатининг марказида таълим масалалари туриши лозимлиги курсатилмоқда. Жумладан, анъанавий иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт режаси урнига «гуманитар ривожланиш» ва «ривожланиш стратегияси» деган иборалар қўлланилмоқда. Худди шу йўл БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси жалб қилган экспертлар томонидан республика мутасадди ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг яқин келажақдаги тараққиёти бош йўналишида ҳам қўлланган. Шу ҳужжатда айтилишича, гуманитар ривожланиш энг аввал инсонга қаратилган бўлиб, айнан инсон бир вақтнинг ўзида тараққиётнинг ҳам объекти, ҳам субъекти бўлиб хизмат қилади.

Аввалги ривожланиш концепцияларида асосий мақсад қилиб ишлаб чиқаришни қўлайтириш, аҳоли жон бошига моддий неъматлар етиштиришни юксалтириш вазифаси қўйилар ва бу мақсад асосан капитал жамғарилиши ҳисобига бажариларди. Эски усулда усул — якуний мақсад, инвестициялар эса мақсадга эришадиган восита бўлиб хизмат қилган. 70-йилларда ривожланишнинг бош йўналиши қилиб мақсад бандлики таъминлаш мақсади ҳам илгари сурилган эди. Кейинчалик халқаро миқёсда бандликдан

ташқари инсоннинг озиқ-овқат, турар-жой, кийим-бош, табиий ёрдам ва таълимга бўлган эҳтиёжларини қондириш масаласига ҳам эътибор бериш кераклиги илгари сурилган.

Ҳозирги асосий гоё буйича барча эҳтиёжларни қондиришнинг асоси ривожланишда деб қаралмоқда. Гуманитар ривожланиш бир вақтнинг ўзида ҳам мақсад, ҳам ривожланиш воситаси деб таъкидланмоқда. Гуманитар ривожланишнинг мақсади инсонни узлуксиз ўқитиш, унга касб-хўна ургатиш, малакасини ошира бориш ҳисобига унинг имкониятини узлуксиз ошириш йўли билан иқтисодни юқори суръатлар асосида ривожлантиришга эришишдир. Шу йўл билан инсон ўзининг камолоти жараёнида ўзи фаол иштирок этади. Инсонни ўқитиш, унинг маънавий-жисмоний қурагини ўстириш замирида шу орқали иқтисодни ривожлантириш, инсоннинг тулақонли, завқли ҳаёт тарзини яратиш гоёси ётади.

Гуманитар ривожланишнинг асосий гоёси кўп қиррали бўлиб, бир йўла бир қанча муаммоларни ҳал этишга хизмат қилади. Аввало, ўқимишли, билимдон инсоннинг меҳнатта, интизомга, ишлаб чиқариш қуролларига муносабати ижобий бўлади. Билимдон инсон кўпроқ ихтирочиликка мойил бўлиб, мураккаб техника-технологияларни тезроқ ўзлаштиради ва юқори унумли иш натижаларига тезроқ эришади. Бунинг тасдиғи сифатида қўллаб утқазилган тажрибалар натижасини ва эришилган курсаткичларни келтириш мумкин. Ўқимишли, билимдон инсон ҳаётда учрайдиган мураккаб масалаларни ҳам тезроқ ҳал қилади. Бунга мисол қилиб Япония тажрибасини келтириш мумкин. Айниқса, сув, ресурсларни тежашга оид, автомат цехлар, заводлар, робот техникаси тараққиёти диққатга сазовор.

Гуманитар ривожланиш ишлаб чиқаришни қўлайтиришига эмас, балки инсоннинг ҳар томонлама баркамолликка эришишини, инсон сифат-саломатлиги, турмушдан лаззатланиш, роҳатланиш, жаҳон билим ва информация захираларидан фойдаланиш имконини, ўз ватанининг маданий ҳаётида фаол қатнашиш, тулақонли ҳаёт кечириш учун керак бўлган барча нарсаларни муҳайё қилиши учун етарли маблағга эга бўлиш имконини беришни кузда тутди.

Ундан ташқари, ўқимишли, билимдон инсоннинг маданий савияси юқори бўлади. Маданият инсоннинг ҳулқ-атвори қонунга, ҳуқуқий нормаларга риоя этиши, ичкилик, ахлоқий бузуқликдан, жиноий ишлардан ўзини тийиш даражаси юқори бўлади. Маданияти юксак жамиятда яшаш шароити ҳам бошқача бўлади.

Яна гуманитар ривожланиш доирасида инсон баркамоллиги учун сарф қилинган сармоя табиий ресурсларни ва умуман иқтисодга сарф қиладиган сармоялар тежаш имконини ҳам беради.

Умуман, маданият юқори бўлган муҳитда илм-фан ютуқларини қўллаш ҳам тезлашади, ҳам енгиллашади.

Ҳозирги кунда Ватанимизда қўллаб илм-фан ютуқлари, илғор техника, технология мавжуд. Лекин улар етарли қўлланилмайди. Агар ерга ишлов бериш маданиятини озгина оширилса, маълум бўлган илғор техника, технологияни қўллаш тезлаша, кенгайса — иқтисодимиз, ривожланиш палласига аллақачон кирган бўларди. Бу эса юқорида таъкидлаганимиздек, инсон умумий камолоти даражасига кўп жиҳатдан бўлиқдир.

С. САЛИМОВ,
иқтисод фанлари доктори,
профессор.

Нуқтаи назар

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА МАДАНИЯТ

ташқари инсоннинг озиқ-овқат, турар-жой, кийим-бош, табиий ёрдам ва таълимга бўлган эҳтиёжларини қондириш масаласига ҳам эътибор бериш кераклиги илгари сурилган.

Ҳозирги асосий гоё буйича барча эҳтиёжларни қондиришнинг асоси ривожланишда деб қаралмоқда. Гуманитар ривожланиш бир вақтнинг ўзида ҳам мақсад, ҳам ривожланиш воситаси деб таъкидланмоқда. Гуманитар ривожланишнинг мақсади инсонни узлуксиз ўқитиш, унга касб-хўна ургатиш, малакасини ошира бориш ҳисобига унинг имкониятини узлуксиз ошириш йўли билан иқтисодни юқори суръатлар асосида ривожлантиришга эришишдир. Шу йўл билан инсон ўзининг камолоти жараёнида ўзи фаол иштирок этади. Инсонни ўқитиш, унинг маънавий-жисмоний қурагини ўстириш замирида шу орқали иқтисодни ривожлантириш, инсоннинг тулақонли, завқли ҳаёт тарзини яратиш гоёси ётади.

Гуманитар ривожланишнинг асосий гоёси кўп қиррали бўлиб, бир йўла бир қанча муаммоларни ҳал этишга хизмат қилади. Аввало, ўқимишли, билимдон инсоннинг меҳнатта, интизомга, ишлаб чиқариш қуролларига муносабати ижобий бўлади. Билимдон инсон кўпроқ ихтирочиликка мойил бўлиб, мураккаб техника-технологияларни тезроқ ўзлаштиради ва юқори унумли иш натижаларига тезроқ эришади. Бунинг тасдиғи сифатида қўллаб утқазилган тажрибалар натижасини ва эришилган курсаткичларни келтириш мумкин. Ўқимишли, билимдон инсон ҳаётда учрайдиган мураккаб масалаларни ҳам тезроқ ҳал қилади. Бунга мисол қилиб Япония тажрибасини келтириш мумкин. Айниқса, сув, ресурсларни тежашга оид, автомат цехлар, заводлар, робот техникаси тараққиёти диққатга сазовор.

Гуманитар ривожланиш ишлаб чиқаришни қўлайтиришига эмас, балки инсоннинг ҳар томонлама баркамолликка эришишини, инсон сифат-саломатлиги, турмушдан лаззатланиш, роҳатланиш, жаҳон билим ва информация захираларидан фойдаланиш имконини, ўз ватанининг маданий ҳаётида фаол қатнашиш, тулақонли ҳаёт кечириш учун керак бўлган барча нарсаларни муҳайё қилиши учун етарли маблағга эга бўлиш имконини беришни кузда тутди.

Ундан ташқари, ўқимишли, билимдон инсоннинг маданий савияси юқори бўлади. Маданият инсоннинг ҳулқ-атвори қонунга, ҳуқуқий нормаларга риоя этиши, ичкилик, ахлоқий бузуқликдан, жиноий ишлардан ўзини тийиш даражаси юқори бўлади. Маданияти юксак жамиятда яшаш шароити ҳам бошқача бўлади.

Яна гуманитар ривожланиш доирасида инсон баркамоллиги учун сарф қилинган сармоя табиий ресурсларни ва умуман иқтисодга сарф қиладиган сармоялар тежаш имконини ҳам беради.

Умуман, маданият юқори бўлган муҳитда илм-фан ютуқларини қўллаш ҳам тезлашади, ҳам енгиллашади.

Ҳозирги кунда Ватанимизда қўллаб илм-фан ютуқлари, илғор техника, технология мавжуд. Лекин улар етарли қўлланилмайди. Агар ерга ишлов бериш маданиятини озгина оширилса, маълум бўлган илғор техника, технологияни қўллаш тезлаша, кенгайса — иқтисодимиз, ривожланиш палласига аллақачон кирган бўларди. Бу эса юқорида таъкидлаганимиздек, инсон умумий камолоти даражасига кўп жиҳатдан бўлиқдир.

С. САЛИМОВ,
иқтисод фанлари доктори,
профессор.

АХБОРОТ

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Мамлакатимизнинг эркин бозор иқтисодиётига ўтиш йўлида эришадиган муваффақиятлари бугунги кунда жаҳон халқларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Мустақиллик шарофати билан жаҳонга юз очган Ўзбекистон қўллаб давлатлар билан савдо ва тижорат муносабатларини урнатмоқда.

Мамлакатимиздаги барқарорлик, она заминимизнинг табиий ресурсларга бойлиги чет эллик ишбилармонларнинг ҳам диққатини тортиши табиий.

Халқаро кургазмалар давлатлар савдо алоқаларини ривожлантириш билан бирга ўзаро маданият ва ижтимоий муносабатларнинг ривожланишига ҳам катта ҳисса қўшади. Туркиянинг «ТУЯП» компанияси республикамизда кўпчиликка таниш. Анъанага айланиб қолган савдо-сотиқ соҳасидаги муносабатларини янада кенгайтириш учун мазкур компания яқинда Марказий Осиё республикаларида ўзининг наватдаги кургазмасини ташкил этди. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиғи ташаббуси билан «УЗЭКСПОМАРКАЗ» республика савдо кургазмасида ўтган бу тadbирда Туркиянинг 21 хусусий корхона ва фирмалари иштирок этди. Кургазма иштирокчилари ўзлари ишлаб чиқарган озиқ-овқат қишлоқ ҳужалиги, қандолат маҳсулотлари, новвойхона жиҳозларини, биллур ва шиша идишларни, қурилиш материаллари, фотоаппаратлар, химия, туқимачилик, пардоз-андоз, қандолатчилик маҳсулотларини намойиш қилдилар. Кургазмдан асосий мақсад — «ТУЯП» компаниясининг Тошкентда ўз ваколатхонасини очиб, янги қўша корхоналар тузишидир.

Кургазманинг очилиши Туркиянинг Ўзбекистондаги элчисини жаҳон Эрдоган Айтун қатнашиди ва нуқт сузлади.

З. ЮНУСОВА.

ОЙБЕКХОНЛИК КЕЧАСИ

Яқинда Антренадаги Тошкент вилоят Давлат педагогика институтида Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Ойбек таваллудининг 90 йиллигига бағишланган адабий-музыкали кеча ўтказилди. Сузга чиққанлар Ойбек ижодининг бугунги аҳамияти, ёзувчи тўғрисидаги хотиралар тўғрисида фикр юритдилар.

Улуг ёзувчи 1951 йилнинг 16 март кунини инсулт билан хасталаниб, чап ва унғ қўлининг бармоқлари ишламай қолган, — деди Ойбек мукаммал асарларининг ун туққиз жилдлигининг тайерланишида бевосита фаол иштирок этган профессор Н.Каримов. — Шундай даном сунгги йигирма етти йиллик дардни улуг адиб фақат фанқулда ирода қўчи билан енган. Ойбек ана шу алфозда унлаб йирки асарларини яратган.

Ушбу адабий-музыкали кеча талабалар, ўқитувчи ва институт қошидаги лицей ўқувчиларида катта таассурот қолдирди.

Ўз мухбиримиз.

САЙБРАМИЗ ОВОЗИ

Германия канцлери Гельмут Коль тинчлик жараёнларини кучайтириш буйича Яқин Шарққа қилаётган сафарининг иккинчи қисмида Иорданияда бўлган. Жаноб Коль Иордания қироли Хусайн билан учрашиб, Яқин Шарқда тинчликни мустақамлашда Оврупонинг урни ва ўзаро савдо алоқалари борасида гаплашди.

Германия канцлери Коль Президент Хусайн Муборак билан бўлган музокаралардан кейин Мисрга қилган икки кунлик сафарини тугатган. Германия раҳбари, Оврупо ердам берибгина қолмай,

балки Яқин Шарқда тинчликни мустақамлашда иштирок этиши ҳам керак, деган.

Сурия Президенти Ҳафиз ал-Асад Исроил Бош вазири Исҳоқ Рабин билан яқин орада учрашишдан воз кечганлигини маълум қилган. Жаноб Асад иккала мамлакатнинг АҚШдаги элчилари орқали олиб бориладиган музокаралар қониқарли эканигини билдирган. Исроил Ташқи ишлар вазири, иккала мамлакатнинг раҳбарлари уртасида бўладиган учрашуви иккала томон ҳам тинчлик урнатиши

ҳаракатига жиддий эътибор бераётганини билдирди, деган.

Халқаро амнистия ташкилотининг маълум қилишича, Хитойда сиёсий репрессия ва инсон ҳуқуқларига ҳилоф ҳаракатлар кучайган. Лондонда инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи гуруҳ 1989 йилги демократия тарафдорларининг ҳаракати қўпол равишда бостирилгандан кейин 6 йил мобайнида Хитойда инсон ҳуқуқлари билан алоқадор вазиятга оид махсус маълумотнома нашр этган. Унда терговчи қамқоққа олиш, алолатсизлик ҳаракатлари қўлайганлиги қайд этилган.

АҚШ ва Япония автомобиль савдосига оид янгидан музокаралар олиб боришга келишиди. АҚШнинг Япониядаги эл-

чиси Вольтер Мандо Токиода Япония Савдо вазири билан куришиб, музокара иштирокчилари шу ойнинг 12-13 кунларида Женевда учрашишларини тақлиф этган. Иккинчи учрашу «етишлар гуруҳи» деб номланган саноатлашган мамлакатлар раҳбарлари иштирокида Хальседа ўтказиладиган олий даражадаги учрашудан кейин бўлади.

Яқин Шарқда инсон ҳуқуқларини ҳиқ мой қилувчи ташкилот турли жиноятлар учун кузда тутилган ваҳишона жазоларни бекор қилиш учун Ироққа тақлиф этилган. АҚШда бўлган мазкур ташкилот 9 та фармондан биттаси бир йил аввал кучга киритилган бўлса ҳам Ироқ фуқароларидан юзларчаси қўл-оёқлари кесилганлиги эки улим жазосига маҳкум этилганлиги

ни маълум қилган. Ҳарбий хизматни тарк этганлар, уғирлик, қаллоблик қилганларнинг қўл ва оёғи кесилади. Қуролли утрилик эки танқис нарсаларни маҳфий равишда мамлакатдан чиқаришда айбланган кишилар ҳам улим жазосига маҳкум этилади.

Ҳиндистон темирйўл бошқармасининг расмий маълумотида мамлакатнинг шарқий қисмида икки жойда содир бўлган поездлар ҳалокатидан каминда 41 киши ҳалок бўлиб, 170 киши яралангани хабар қилинди. Темирйўл бошқармасининг маъсул ходимларидан бири «иккала ҳалокат бир соат фарқ билан жанубий-ғарбий Бенгел ва Аристо штатларида юз берди» деган.

Машиқзамин даргалари

Мустақиллик шарофати туфайли бу йил Нажмиддин Кубро (1145-1221) таваллудининг 850 йиллиги нишонланмоқда. Буюк ватанпарварликнинг юксак бир намунасидек.

Абул Жаноб ва Томатул Кубро лақабларига сазовор булган тасаввуф Кубравия силсиласининг асосчиси машхур шайх Нажмиддин Кубронинг тулки исми Аҳмад ибн Умар ибн Муҳаммад Хивакий Хоразмийдир. Ул зот олтинчи ва еттинчи ҳижрий асрларда (1145-1221 й. й.) яшаган тасаввуф ва ирфон аҳлининг энг улуғларидирлар. Нажмиддин Розий, Маждидин Бағдодий, Саъиддин Ҳамавий, Сайфиддин Баҳорзий ва Баҳоуддин Валад каби сиймолари у кишининг мурид ва шогирдлари булганлар.

Али Акбар Деххонининг машхур «Лугатнома»сида келтирилишича, «у кишининг Кубро деб аталишларига сабаб шуки, беҳад зийракликлари ва туганмас заковатлар туфайли ҳар қандай муаммоли масалаларни суралганда ҳал қилиб берар эдилар ва ҳар ким билан у киши баҳс ва мунозара қилса, голиб чиқар эдилар».

Шунингдек, у кишини Тома-тул Кубро, яъни буюк ҳалоскор, бало ва қазоларнинг олдини оловчи деб ҳам аташган. Абул Жаноб аталишларига сабаб эса, у кишининг дунёвий икки-чирлардан узоқ турганликларидир. Ул зотни «Валитарош» (валлийларни парваришлаб етказувчи) деб ҳам аташган. Чунки, умрлари давомида ун икки кишини уз муридликларига қабул қилганлар ва уларнинг барчасини шайх даражасига етказганлар. Улар қаторида машхур шайхлардан Нажмиддин Дойа Розий (1256 й. ваф. эт) Саъиддин, Ҳамавий (1252 й. ваф. эт.) Сайфиддин Баҳорзий (1261 й. ваф. эт) ва бошқалар бот.

Нажмиддин Кубро камтарона ҳаёт кечирганлар. Аммо у кишининг баъзи муридлари мамлакат миқёсида каттагина нуфузга эга булганлар. Фахриддин Розий файласуф ва султон Муҳаммад Хоразмшоҳ уларнинг рақобатидан ҳавотирланганлар. «Султонул уламо» лақабига эга булган Жалолиддин Румийнинг дадаси Баҳоуддин Валад Балх шаҳрининг уч юзга яқин файласуф олимлари билан баҳс юргизиш ва уларни юнон фалсафаси билан ортиқча шугулланишда айблаган. Нажмиддин Кубронинг бошқа бир шогирди, уз навбатда шайх Фариддин Атторнинг муридиди булган Хоразмлик Маждидин Бағдодий ҳокимиятдаги ишларни танқид қилгани учун қатл қилинган. Баъзида султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг уни ҳам, шайхларнинг хузурига келиб, уларни зиёрат қилиб турган.

Тез орада Фахриддин Розий маслаҳатига биноан бутун қалъалар ва мамлакат ҳазинасининг калидлари Баҳоуддин Валадга жунатилиб, «Сизнинг муридларингиз кўплигидан бизда мамлакатнинг инон-ихтиёри қолмади. Шунинг учун бу калитларни олингда, мамлакатни идора қилинг ёки дориссалтанатдан чиқиб кетинг» дея таъкидланган. Бундан қаттиқ ранжиган Баҳоуддин Валад токи Муҳаммад Хоразмшоҳ Хуросон тахтида экан, қайтиб келмайман деб, уч юздан кўпроқ муридлари ҳамроҳлигида мамлакатдан чиқиб кетган. Аввал Ҳажга, кейинчалик Туркиянинг Куние шаҳрига бориб, яшаб қолган ва у ерда вафот этган.

Аммо бу шайхларнинг умумий устози булган Нажмиддин

Кубро, ижтимоий муҳит қандай булишдан қатъий назар, Хоразмни тарк этмаган. Ҳатто ҳақиқий ватанпарварликнинг юксак намунасини курсатиб, қариб қолганига қарамасдан, қулида курул билан муғул босқинчиларига қарши уз муридлари билан шиддатли жангга кириб, шаҳид булган. Жангдан кейин у кишининг жасадини дарҳол топиши олмаганлар. Чунки, ул зотнинг жисми қийма-қийма қилиниб бурдалаган эди.

«Чингизхон шайх Нажмиддин Кубронинг шухратидан хабардор булганлигидан Хоразмга хужум қилиш олдида, шу қабилдаги мактубла у кишига чопар юборган. «Мен Хоразмни қатлиом қилмоқчиман, шунинг учун Сиздек улуғвор шахсларни у ердан кетиб, бизга қушилишингизни сурайман». Аммо шайх раҳматulloҳи алайҳ унга жавобан: «Мен етмиш йил

таянмоғи керак, дея талқин этади Нажмиддин Кубро. Ун асос:

1. Тавба — уз хоҳиши билан Ҳақ Таолога ҳеч бир курсатмасиз юзланишдир. Киши уз иродаси билан худони севиши ва узининг «мени» дан кечиши керак. Тавба худо томон юз тутган барча кишиларнинг ҳар қандай гуноҳлардан фориғ булишидир. Гуноҳ дунёвий ёки илоҳий босқинлардан ташкил топганига қарамасдан Аллоҳ Таолодан йироқлаштирадиган амалдир.

Гуноҳ уч қисмдан иборат: феълу атвор, хизмат юзасидан буладиган амаллар, вожибни (худони) тарк этиш. Кимки, тавба қилмаган булса, уз нафсининг ситамкоридир. Иккинчи қисмдагиларнинг феълу атвори макруҳ булиб, одат тусига кирган қилиқларидан воз кечишлари керак. Учтинчи қисми шундай ишлардирки, худо томон яқин бо-

булган солиҳ таваккал қилади. Таваккал дилдан Худога ишониб булиб, унинг улугворлигини эътироф этишдир.

Таваккалнинг бошқа бир сабаби шундаки, унда талабдан воз кечилади ва шахсга тааллуқли нарсалардан куз юмилади ва нарсаларнинг сабабигагина нигоҳ ташланади.

4. Қаноат — ҳаёт кечиришни таъминлайдиган оз нарса билангина қаноатланиш уз тарафига тортдиган барча нозу-неъматлардан ва хирслардан (овқатни куп истеъмол қилиш, қимматбаҳо кийимларга ҳавас қуйиш, уйин-кулги, бекорчилик ва бошқалардан) юз угириш. Қаноат зарурят тақозо этганчалик розилиқдир. Ҳақиқат қаноатдир.

5. Узлат — танҳоликда утириб, руҳни мустақамлаш, одамлар билан муомалани тўхтатиш: гаплашмаслик, этишмаслик, қарамаслик ва турли феъл-атвордан алоқани

пайдо булади ва шунинг учун ҳам ривожланиб боради.

10. Ризо — шахснинг нафс эркинлигидан чиқиб, худо хушнудлигига кириши ва азалдан нимага ишонган булса, ушани уз буйнига олишидир. Уз иродасини то абад қиладиган нарсасга воқеълик сифатида қайтариб, улимга ухшаш уткинчи нарсасга эътибор билдиришидир.

Низо, қазо ва қадар ҳукмлари устидан хушнудлик билдириш булиб, азалда яратилган нарсанинг жилоси ашё муайялиги булса қадар нарсалар яратилишининг узидир. Азалдан тайин этилган иродага мувофиқ, бу мақом туғрилигининг аломати шундаки, фақирлик, бойлик, ранж чекиш, роҳат, улим ва ҳаёт, ҳамда бошқа шунга ухшаш нарсаларнинг барчасини хилма-хил ҳолатлари унинг олдида тенгдирлар ва уларнинг бирининг иккинчисидан афзаллик томонлари йўқдир.

Ун усулдан чиқариладиган натижавий хулоса шундаки, улмайидиган шахснинг ёди, унинг нафсини мағлубиятга учратган сифатларидан яшайди. Уз инояти воситасида ибтидодан то интиҳогача Аллоҳ Таоло унга ҳаёт бағишлайди. Бу шундай ҳаётки, унга фано ва фасод йўлламайди. Бундай ҳаётнинг таъсири унинг камолотида зоҳир булади. Яъни у иймон нури билан безатилган одамдан бошқа киши булмастлиги керак. Иймон нуридан кузда тутилган мақсад, унинг сурати тасдиқлайдиган ташқи белгиларига қарама-қарши булган, кенг қамровли виждоний ҳақиқатни топмоқдир...

Нажмиддин Кубро шаҳид булгандан сунг, унинг таълимотини шогирдлари давом эттириб, Кубравия мактабини вужудга келтирдилар.

Ташкилий жиҳатдан Кубравия хонақоҳларда уз-узини бошқарадиган, овоз анжуман булиб, ҳалифа бошчилик қилар эди. Масалан, 1221 йилда вафот этган Нажмиддин Кубронинг шогирди Сайфиддин Баҳорзий томонидан Бухоро яқинидаги Соктарий қишлоғида ташкил этилган ана шундай хонақоҳ Нажмиддин Кубро номи билан аталар эди. Бу ердаги Кубравия жамяти XVIII асрнинг охиригача фаол иш қуриб, унинг аъзолари Кубро гоёларини Хитойнинг гарбий чегараларигача ёйдилар. Кубронинг бошқа бир шогирди, 1252 йилда вафот этган Саъиддин Ҳамавий Хуросоннинг Баҳрабод деб аталган масканида хонақоҳ барпо қилиб, унинг атрофида тугарак ташкил этди. Унинг угли Бадриддин Иброҳим эса, 1295 йилда илхон Газанхонни исломга жалб этди.

Кубравия тариқатидаги биродарлар бошида жамоа тарзида овоз чиқариб зикр (само-жар) айтишни йулга қўйдиларки, бу ҳол Урта Осиё тасаввуфи анъаналарига мос келган эди. Кейинчалик, Кубравия тариқатининг баъзи гуруҳ ва шаҳобчалари бундай амалиётдан юз угириб, овоз чиқармасдан зикр қилишга ёки шахсий зикрга утилди. Аммо Соктарийдаги Кубро хонақоҳида XVIII асрнинг охиригача зикр айтишнинг ҳар икки турини давом эттирадилар.

Нажмиддин Кубро таълимоти бутун муеулмон Шарқи мамлакатларига кенг тарқалган. Одамийликдан сабоқ бергувчи ҳикматларини шогирдлари давом эттиришган...

М. ҚОДИРОВ,
фалсафа фанлари номзоди,
доцент.

НАЖМИДДИН КУБРО

умрим давомида хоразмликлар билан турмушнинг ачиқ-чучигини бирга тортганман. Энди улар бошига бола-қазолар ёғилаётган бир пайтда қочсам мурувватдан булмайдим, дея кескин рад этган. Бу воқеа 618-ҳижрий (1221-милодий) йилда руй берган.

Нажмиддин Кубро куплаб илмий асарлар ва рубоийлар ёзган. У уз қарашларини араб тилида баён этган «Фаво их ал-Жамол ва фавотих ал-Жалол», «ал-Усул ал-ашара», «Рисолат ал хоиф ал-ха им мин лаумон ал-ла им» кабилар. Шайхнинг дунёқарашини узида мужассам этган. Бу асарлар араб мамлакатлари ва Туркияда босиб чиқарилган. Унинг араб тилида ёзган «Рисолатун одуоул зокрин» («Зикр айтувчилар одоби ҳақидаги рисола») асарининг Абдурахмон Жомийнинг шогирди Абдул Гафур Лорий томонидан форс тилига қилинган таржимаси бизгача етиб келган ва Узбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланмоқда. Бу асарнинг асли номи арабча «ал-Усул ал-ашара» («Ун усул ёки «Ун асос») деб аталади. Туркияда ушбу асарни турк тилига таржима қилиб, нашр этилган. Асарда Нажмиддин Кубро таълимотининг асослари берилган. Унинг дунёқарашини Ислом ақидалари доирасида булса ҳам, оммабоп тарзда дунёни тушуниш ва маънавий ҳаёт дастури сифатида барча замондошлари учун зарур қулланма булиб хизмат қилган.

Маълумки, Кубро ҳақиқат асро-рига етишиш мақсадида уз тасаввуф мактабини яратди. Унинг ақидасига кура, инсон уз моҳияти-эътибори ила кичик оламни ташкил этадики, у катта дунё булган коинотдаги барча нарсаларни узиде мужассамлаштиради. Инсон ҳатто «Шафқатли ва раҳмдил Аллоҳ»нинг сифатини истисно қилганда, бошқа барча илоҳий сифатларни узиде мужассамлаштиради. Аммо илоҳий сифатлар юқори самовий доираларда бирин-кетин узига ҳос мақомларда жойлашганликларидан, ҳақиқат йўлини кидирувчилар бундай юксакликларга кутарилиб, илоҳий сифатларга эга булиш учун, яъни камолотга эришиши учун маълум риёзатли йўлларни утишлари зарур. Бунинг учун эса ҳар бир киши ун асосга

рувчи солиҳларни, уни хузурига боришдан тўхтатиб, олийроқ даражада узларига боқишни ва шу тоифадагиларни сифатлироқ тавбага ундашни лозим топади.

2. Зухд фи-дунё — бу дунёда ҳам, унинг ташқарисиде ҳам нимаики лаззат томон бошласа, ундан тийилишдир. Оз ёки куп булса ҳам, бирор молу мулкка, жангта ёки булмаса бирор мансабга уз табиий вафотигача рағбат ёки мойиллик курсатиш, зухдан чиқиш ҳисобланади.

Зухднинг моҳияти дунё ва охи-ратга рағбат қуйишдан воз кечишдир. Зухд рағбатдан воз кечиш булиб, икки қисмдан иборатдир. Биринчиси ички лаззат, шароб ичиш, никоҳий ишларга ружу қуйиш, мансаб ва олий мартабаларни қумсаб каби илоҳий роҳатларга ухшаш ҳис-туйғулардан воз кечишдир.

Иккинчиси эса, жаноби Ҳақ субхонаҳу Таоло олдида дунё ва охира-тининг нуқсонли эканлиги мулоҳазасидан келиб чиқиб, уларнинг ҳар иккисига ҳам рағбат қуйишдан воз кечишдир. Зухд ҳақиқатига мувофиқ шундай эрур. Зероки, зухднинг биринчи қисми уз зотига кура, сақланиб қолган ҳиссий рағбатга асослангандир. Демак, рағбатдан воз кечиш, вужудни бутунлай бартараф қилиш ҳақиқатидан иборат эмас. Зероки бир жиндан келиб чиқадиган рағбат урнига, ундан афзалроқ ва комилроқ бошқаси пайдо булди. Ушбу такомиллашган рағбат Ҳақ субхонаҳу Таоло рағбати билан қушилламайди. Шундай булгач, Худога талқинувчилар ночор буладиларким, уларнинг рағбати дунё ишларидан узилгач, охира-дан ҳам ажралиб қолди. Бас шундай экан, Унинг (Парваридигорнинг) узидан бошқа ҳеч нима ором бахшида эта олмайди.

3. Таваккал — худога ишонч жиҳатидан бу турмушдаги барча икки-чирлардан воз кечишдир. Шахснинг дунёга рағбат қуйиши молу дунё ва мансаб ортириш учун ташаббус курсатишга сабаб булади. Агар дунёга рағбат узилса, бирор нарсасга эга булиш бобида раҳна тушади ва куп нарсанинг гувоҳи булган куз ҳам, иймон нури билан чарақлайди. Демак, юксак мартабага лойиқ

узидир. Узлатни асл-мақсади хилватда адо қилинганлиги сабабли ҳис-туйғуни жиловлашдир. Ҳис-туйғуда ёйиладиган нарсаси шу жиҳатдан салбийдирки, руҳ мубтало буладиган ҳар фитна, офат ва балолар нафсни кучайтиради ва уларнинг сифатларида тарбия топган нафс ҳиссиётлар тешигидан чиқиб, руҳни узига тобе қилади.

6. Мулозамат аз-зикр (узлуксиз зикр) — уз хоҳишича худонинг исмини фикрда ёд қилиб туриш ва бутун қалбни у билан тулдириш. Шундай қилинганда, пасткашлик, ҳасад, очкузлик, икки юзламачилик ва бошқа разиллик ва риёкорликлар кунгилга йул топа олмайди.

7. Маважжуҳ — бутун ички моҳиятни худога қаратиш, унга чексиз муҳаббат қуйиш, ундан бошқа нарсаси борлигини ҳис этмасликдир. Уз вужудини йўқотиш, Ҳақнинг абадий ва азалий вужудини бошқа билим ила кура билишдир ва биринчи вужуднинг исботидир. Демак, уз вужудини йўқотиш, «ло илоҳа илلاҳоҳу» калимасининг мазмуни ва исботидир.

8. Сабр — уз ихтиёри билан нафс доирасидан машаққатлар чекиб булса ҳам, узини олиб қочишдир. Мақбул булган туғри йўлдан адашмасдан бориш учун, киши уз майлларини сундириши лозим. Бундан кузланган мақсад шундаки, дил кудуратлардан покланиши, руҳ эса, агар нафс натижасида занглиниб қолган булса, жило топиши зарурдир.

9. Муроқабба (тафаккурга гарқ булиш) — эришилган даражада мушоҳада юрийтиш ва қалбни арзимас ҳис-туйғулардан ҳоли қилиб, тозалаш ва хотиржамликка эришиш. Банданинг тафаккурга гарқ булишида уч хил нарсасга эътибор берадилар. Биринчиси Ҳақнинг зоти ҳақидаги мулоҳаза булиб, бунинг натижасида дунё ҳақидаги тасаввурдан беҳабарлик гафлатидан кутилади. Иккинчи мулоҳаза шундан иборатдирки, кишининг ташқи ва ички дунёсини илоҳий амрга нисбатан муҳолиф булишдан сақлайди.

Агар тафаккур тарзи уз жойига тушса, барча кузланган мақолалар ва шарафли ҳолатларга эришишга муяссар булинади. Кураш ва риёзат чекиш йўли билан ҳосил қилинган йул ҳаққоний тўхфа этилган табиий амал булиб, яратилиш ҳақиқатининг галабаси сифатида



Нон — улуг неъмат, неъматларнинг султони. Нонни халқимиз дастурхон зийнати, бозорнинг кўрки дейишади. Файзи йўқдир ул шаҳарни нон бозори бўлмаса, дея нон тўкин-сочинлик, файзу барака эканлигига доир фикрлар халқ орасида тарқалган.

Нон — бу ҳаёт манбаи. Шунинг учун ҳам нон ҳурматланади, азиз тилади, эъзозланади, агар ерга ноннинг бурдаси у ёқда турсин, унинг ушоги тушганини кўрсак ҳам ўпиб, кўзимизга пешонамизга суртиб, кўтарамиз.

Нонда халқимизнинг урфи одатлари ҳам ўз ифодасини топган. Агар хонадонда фарзанд туғилса, нон ёпилиб, нон олиб қочилади. Олиб қочувчига болалар етиб олиб бўлишиб ейишади, бу болалар орасидаги янги фарзанд ҳам иншоаллоҳ ўз ўрнини топсин, чопқиллаб юрсин дейилган эзгу бир тилак билан боғлиқдир. Бу хушxabар болалар орқали кўни-кўшнларга ҳам тарқайди.

Узоқ вақтга сафарга чикувчи одамга нон тишлатиб олиб қолинади, яъни хонадондан ризқ насбаси узилмасин дея, йўлда ҳамроҳ бўлсин дея нон бериб юрилади.

Хайрли никоҳ тўйидан олдин кудаларнинг кудачиликка дил розиликлари — патири ушатилди, деб эълон қилинади.

Хоҳ тўй, хоҳ амри-маъриф мажлиси, ақиқа зиёфати бўлсин, хоҳ қурбонлиги ёки шукрона зиёфатлари бўлсин, энг аввало нон қўйилади ва ушатилди.

Бешикда ётган бола бошига нон қўйилади.

Нон — неъматларнинг улуги

Улуг зотларни, дўстларни ёки беморларни кўргали борилганда ҳеч бўлмаса бир жуфт нон олинади.

Сафари узоқ одамларга нон талқони қилиб берилади.

Овчилар кўйнига иккита нон солиб; сўнгра овга равона — бўладилар.

Мироблар кечаси бошига иккита нон қўйиб сув пойлашган.

Гадога аввало нон берилади. Зеро, ўзинга раво кўрган азиз нарсани ўзгага раво кўриш беҳисоб савоблидир.

Нон доимо истеъмол қилинадиган ва ҳеч маҳал малол келмайдиган таомдир.

Бақара сурасида: "Агар берган неъматларимга шукр қилсангиз зиёда қиламан, ношукрлик қилсангиз азобим жуда қаттиқдир." дейди Аллоҳ-Таоло. Ва яна бир оятда "Енглари, ичинглар, лекин исроф қилманглар, Аллоҳ - Таоло исрофгарларни дўст тутмайди" дейилади.

Доно халқимиз қадим-қадимлардан:

Ноннинг ушоги ҳам ноннинг ўзи-ку,

Нон эса баданда жоннинг ўзи-ку.

Нонимиз бўлмаса жонимиз ҳам йўқ,

Жон эса худди ноннинг ўзи-ку, деб улуғлаб келишган.

Очнинг қорини бир лўқма нон билан тўйдирганга Аллоҳ-Таоло ажрлар беради, балодан асрайди. Жумладан, очарчилик даврида эшик тақиллатиб келган гадога бир хонадон соҳибаси бергудек ҳеч нарса тополмай, оғзида чайнаб турган нонини ҳаё қилди. Кунлар, ойлари ўтди, яхши замонлар келганида шу аёл чақалогини кўтарганча эрига тушлик олиб бориш учун далага равона бўлди. Етиб боргач, боласи ва таомни бир жойга қўйиб, эрини салқинга чақиринишга юзланиб, беш олти қадам босгач, йиғи товшини эшитибди. Ўгирилиб қараса фарзанди бўрининг оғзида экан. Эй парвардигор, ўзинг ердан бер, деб аёл нола қилиб, Ярат-

сурса ёки ич буруғ касалига чалинганларга уч маҳал қаттиқ нон ва қаттиқ истеъмоли тавсия қилинади. Жилла бўлмаса, кўз тегди, дея нон ҳам босиб қўйишади-ку.

Кўнгил айнаб, еганини қайт қилувчиларга Абу-Бақр ар-Розий нонни асалга ботириб ейишни тавсия қилганлар.

Ибн Сино ҳазратлари ҳам қарилкининг олдини олиш учун бир донна хубзун-тандирий нонни совуқ сувга ботириб истеъмол қилишни буюрадилар, ранг-рўйи тиниқ ва чиройли бўлишни истаган одам, ҳазм аъзоларининг ишини яхшиламоқчи бўлса сутта нонни тўграб, еб юрсин дея тавсия қиладилар.

Бул ҳақда жаноби сарвари олам Муҳаммад Мустафо с.а.в. ҳадиси муборақлариде марҳамат қилган эканлар. Ура ибн Зубайр ривоят: "Таъ-

муслмонлари идорасининг ҳам "Нонни азиз тутмоқ" ҳақида фатвоси эълон қилинган. Нон ва жамики истеъмолимиздаги неъматлар пешона теридан топилган бўлса, лўқма пок бўлса баданимиз пок, қалбимиз пок бўлади ва бу инсон этиқодда ва имонда мустаҳкам бўлади. Қалбимизга Аллоҳ - Таолонинг нури тушади.

Агар шу оппоқ нон порахўрлик, судхўрлик, қимор, таъмагирликдан, зулм ва ҳаром даражасидаги савдодан топилган пуллар эвазига сотиб олиб, истеъмол қилинса лўқма покликдан чиқиб қолади. Ҳаром топилган нон билан боққан болангиздан вафо кутманг, оқибат кутманг. Бундай фарзандлар ота-оналарини гурбатхоналарга, болаларини эса етимхоналарга обориб қўйиб, ўзлари ҳаром, иш ва машаққат билан овора бўладилар ва бу дунёдан хор бўлиб ўтадилар.

Бу йилги юртимизда бугдой ҳосили иншоаллоҳ, баракотли бўлапти. Буни нес-нобуд, талон-тарож қилмасдан йиғиб олиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Истиқлолимизнинг 4 йиллигини нишонлашга бир неча ойлари қолди. Иншоаллоҳ, яна бир неча йилда нон мустақиллигига тўла етишамиз.

Султон Улугбек Самарқандга қайтаётиб лашкар билан кўча ўртасида еган бир бурда нонга кўзлари тушиб қолибди. Отдан тушиб ердан олиб, уни ўпиб кўзга суртибдилар.

Буни кўрган мулозимлардан бири: — Ҳазрат отдан тушмасдан бизга буюрсангиз бўлмасмиди. Бу ишингиз султонлик шаънига... қандай бўлади? — деди. Шунда Улугбек: Нонга, бинобарин, менинг назарим тушди, уни мен олишим керак. Нонни олишни бошқа кимсага буюрсам, нонга нисбатан ҳурматсизлик қилган бўлур эдим, — деб жавоб бердилар. Қиссадан ҳисса шуки, ноннинг номи улуг, номидан ҳам ўзи улуг.

Инсон нонга бефарқ қарамайди. Қалбда имони бор одам нонни ҳурматлайди, эъзозлайди, улуғлайди. Нонга қандай ҳурмат лойиқ бўлса, бугдойга ҳам шундай ҳурмат лойиқ. Аллоҳ ризқ-рўзимизга баракот ато этсин. Элимизнинг дастурхонини холис ният билан тўкин қилишга ҳаракат қилаётган барча юртдошларимизга рушду хидоят берсин.

Зийевдин хожи ЗАЙНИДДИН-ХОН ўгли тиббиёт фанлари доктори, профессор.

ДАЛВ (20.01—18.02) ойда туғилганлар учун келаси ҳафтада катта молиявий омад юз бериши кутулуру. Лекин онла ҳаётида кутулмаган нохушликларга рўпара келишлари эҳтимол қилинуру. Сафарга чиқиш, маъракалар ўтказиши ҳам тўхтатиб турган маъкул. Ҳафта давомида онлавий дам олишни уюштириш, овга чиқишлар жуда мароқли ўтуру. Кутулмаган қадрдонлар билан учрашиш, сафардаги яқинларнинг қайтишлари ҳамда бемор ётган биродарларининг соғайиш тамонига ўзгаришлари рўй бериши кутулуру.

ХУТ (19.02—20.03) ойда туғилганлар учун келаси ҳафтанинг аввалги кунларида ишлар юришмаслиги, кайфиятсизлик ҳамда соғлиқнинг ёмонлашиши кутулуру. Бундан ташқари молиявий қийинчиликлар ҳам юз бериши эҳтимол қилинуру. Лекин ҳафта охирига бориб ишлари изга тушиб кетади ҳамда бошқа томонлар ҳам аста-секин яхшиланиб боруру. Ҳафта давомида ота-она зиёрати ва уларнинг розилигини олиш кўп томондан ҳафтанинг осойишта ўтишига сабаб бўлуру.

ҲАМАЛ (21.03—21.04) ойда туғилганлар учун келаси ҳафта тўпаллигича нахс келиши кутулуру. Шунинг учун имкон қадар эҳтиёткор ва хушмуомала бўлмоқ талаб этилуру. Шу билан бирга янги ишга қўл урмаслик, сафардан тўхтаб туришлик ва ҳар хил йиғинлар ўтказишни кечиктириш мақсадга мувофиқдир. Иложи бўлса кўпроқ вақтни онлада ўзи ва фарзандларининг маънавий камолоти учун сарф этиш кўп фойдалидир.

САВР (22.04—20.05) ойда туғилганлар учун келаси ҳафта тўла омад ҳафтаси бўлиши кутулуру. Бу кунларда аиниқса молиявий, ижодий, илмий ҳамда ишлаб чиқариш соҳаларида катта ютуқлар кўлга киритилади. Онлада узоқ вақт кутулган қувончли воқеа юз бериши мумкин. Муҳаббат борасида ҳам ёш йигит-қизлар ўзларининг кейинги ҳаётларини бирга ўтказишга лойиқ бўлган

жуфтни учратишлари эҳтимол қилинуру. Ҳафта давомида камбағал, бева-бечораларга ёрдам бериш, бу кунларни яна ҳам омадли ўтказишга сабаб бўлуру.

ЖАВЗО (21.05—21.06) ойда туғилганлар учун келаси ҳафтанинг аввалги уч кунни омадли, қолган кунлари эса нахс аралаш келиши кутулуру. Дастлабки кунларда кўрқмасдан Аллоҳга таваккал қилиб, ҳар қандай катта-кички ишларини бошлайвериш мумкин. Хусусан, шартномалар тузиш, катта маблағни савдога қўйиш қабили ҳам яхши на-

мунажжимлар таъбири (12-18 июнь учун)

тижалар билан тугаши кутулуру. Аммо қолган кунларда зийраклик билан юриб, Аллоҳга сизгиниб, унинг буйруқларини бажариб боринса, иншоаллоҳ, ортиқча нохушликлар олди олинуру.

САРАТОН (22.06—22.07) ойда туғилганлар учун келаси ҳафта оддий кунлардан иборат бўлиб, деярли тинч ўтиши кутулуру. Бу кунларда режадаги ишларни бажарвериш мумкин. Шунингдек хизмат сафарига чиқиш, ҳар-хил маъракалар ўтказиш ва бошлиқлар ҳузурига кириш, иншоаллоҳ, кутулгандай натижалар беражак. Ҳафта давомида ўз соғлиқлари билан шугулланиш ва онлавий дам олиш уюштиришлар фойдалан бўлуру. Бу кунларда ота-онани ва қариндошларни зиёрат қилиб, уларни хурсанд қилиш улкан савоб ишлардандир.

АСАД (23.07—22.08) ойда туғилганлар учун келаси ҳафта онла-

Илми нужум талқинлари

вий қувончларга бой бўлиши кутулуру. Бу кунларда онлавий бюджетга каттагина маблағ тушиши мумкин. Шу билан бирга ишхонада ҳам ишлари ёмон бўлмайди. Хусусан, иш ижодий ва илмий бўлса ҳафта давомида катта ютуқларга эришишлари кутулуру. Лекин кўчада ва маҳаллада бироз нохушликлар юз бериши мумкин. Буларнинг олдини олиш учун иложи борича кечавари кўчага

ўтказилиш ҳоллари ҳам бўлиши эҳтимол қилинуру. Шу билан бирга савдо ишлари ҳам деярли юришмаслиги ҳамда ишлаб чиқариш тўхтаб қолиши кутулуру. Лекин шахсий ҳаёти, онла-сида ҳамда муҳаббат соҳасида қувончли воқеаларга шохид бўлиши эҳтимол қилинуру. Ҳафта давомида ўта тартибли ва интизомли бўлиши ҳамда пок юриб-туриш юз беражак нохушликларнинг олдини олиш мумкин.

АҚРАБ (23.10—21.11) ойда туғилганлар учун келаси ҳафта тўла нахс аралаш келиши кутулуру. Хусусан, савдо-сотик ва ишлаб чиқариш соҳасида ишлар юришмаслиги эҳтимол қилинуру. Ҳафта давомида сафарга чиқмаслик, маъракаларни тўхтатиб туриш ҳамда шартномаларга имзо чекмаслик лозим. Бу кунларда ота-онани зиёрат қилиш, уларнинг дуоларини олиш нохушликларнинг даф бўлишига сабаб бўлуру.

ҚАВС (22.11—21.12) ойда туғилганлар учун келаси ҳафта тинч ва осойишта ўтиши кутулуру, деярли эсда қоларли воқеалар юз беражаклиги эҳтимол қилинуру. Бу кунларда онлавий дам олиш, балиқ овига чиқиш ҳамда солеҳ кишиларнинг суҳбатига бўлиш кўп мазмунли ўтуру. Ҳафта давомида сафарга чиқиш ва маъракалар ўтказиш мумкин.

ЖАДДИ (22.12—19.01) ойда туғилганлар учун келаси ҳафта тўла омадли келиши кутулуру. Хусусан, муҳаббат, ижод, илмий ҳамда ишлаб чиқариш соҳаларида катта ютуқларга эришишлари мумкин. Ҳафта давомида энг қувончли воқеа ишхонада содир бўлиши кутулуру. Шу билан биргаликда онла ва маҳаллада ҳам хурсандчиликлар бир неча бор рўй бериши эҳтимол қилинуру. Ҳафта давомида етим-есирларга хайри-эҳсон қилиш ва уларнинг синиқ қалбларига шодлик бағишлаш кўп савобли иш ҳисоблануру. Валлоҳу Аълам.

Ғалати воқеалар

ТАЛАНТ ВА МУХЛИСЛАР

Чарли Чаплин ҳузур қилиб гапириб юрадиган бир воқеа тафсилати шундай:

"Кунларнинг бирида Нью-Йорк метро-росида кетдим. Уйга келганимда чўнтагимдан олтин соат чиқиб қолди. Қандай қилиб у менинг чўнтагимга тушиб қолганини ўйлаб ўйимга етолмасдим. Соатни полицияга олиб бориб беришга аҳд қилдим.

Эртасига имзосиз хат келди: "Қимматли жаноб Чаплин! Бу хатни сизга профессионал кассавур езяпти. Кеча метрода бир бой жанобнинг олтин соатини ўғирлаб олдим. Бироқ, сизни кўриб қолдим-у, уни Сизга совға қилиш истаги туғиди ва соатни чўнтагингизга солиб қўйдим".

Орадан бир йил ўтди. Полиция ўғрини тута олмади, соатнинг эгасини ҳам томолмади ва шу сабаб соатни яна менга жўнатди. Газеталарда бу ҳақда езишганди. Қарабсизки, бир неча кунни ўтказиб, мен иккинчи бор имзосиз хат олдим:

"Қимматли жаноб Чаплин! Бир йил муқаддам метрода кетаётганимда менинг олтин соатимни ўғирлаб кетишганди. Қандайдир бир кассавур уни Сизга тухфа қилганини газеталардан ўқиб қолдим. Соатим Сизга қолақолсин, жаноб Чаплин. Айна пайтада мен ноёб талантигининг кассавурдан кўра кам бўлмаган ашаддий мухлиси сифатида олтин соатингизга тилла занжирни қўшиб совға қилиб юборяман".

ТОШКЕНТ — МАРКАЗИЙ ВА ТОШКЕНТ — ЖАНУБИЙ ТЕМИР ЙЎЛ БЕКАТЛАРИДАН ҚАТНОВЧИ ПОЕЗДЛАРНИНГ ҲАРАКАТ ЖАДВАЛИ

1995 йил 28 майдан амалда

(Маҳаллий вақт)

поездлар №№	йуналишлар	Йуналиш маршрути	Қатнаш кунлари	вақти		
				келиш	тухтаб туриш	жўнаш
1	2	3	4	5	6	7
5	Тошкент—Москва	Самара, Рузаевка	сеш. пай. шб. якш.			7-10
6	Москва—Тошкент	***	сеш. пай. жума. якш.	11-45		
19	Тошкент—Семипалатинск	Арис, Алмати	жуфт кунлари			13-
20	Семипалатинск—Тошкент	***	***	9-35		
21	Нукус — Алмати	Арис, Самарқанд	сеш. кунлари	9-40	20	10-00
22	Алмати—Нукус	***	шанба кунлари	19-15	20	19-35
23	Душанбе—Москва	Илецк, Озинки, Саратов	тоқ кунлари	22-10	20	22-30
24	Москва—Душанбе	***	***	17-40	20	18-00
60	Тошкент—Андижон	Ховост, Маргилон	ҳар куни			21-13
59	Андижон—Тошкент	***	***	5-45		
62	Тошкент—Бухоро	Пахтаорол, Самарқанд	ҳар куни			20-00
61	Бухоро—Тошкент	***	***	8-18		
66	Тошкент—Китоб	***	***			18-45
65	Китоб—Тошкент	***	***	6-10		
85	Тошкент—Москва	Самара, Рузаевка	душ. чор. жума.			11-55
86	Москва—Тошкент	***	якш. сеш. пай.	4-45		
113	Тошкент—Челябинск	Арис, Чу	буйруқ буйича			19-53
114	Челябинск—Тошкент	***	***	5-15		
115	Тошкент—Екатеринбург	Арис, Петропавловск	душ. жума			19-53
116	Екатеринбург—Тошкент	***	якш. пай.	5-15		
133	Андижон—Москва	Илецк, Саратов	душ. чор. ташқари	12-40	20	13-00
134	Москва—Андижон	***	якш. сеш. ташқари	7-05	20	7-25
133	Тошкент—Москва	***	душ. кунлари			13-00
134	Москва—Андижон	***	якш. кунлари	7-05		
177	Тошкент—Алмати	Арис	буйруқ буйича			8-45
178	Алмати—Тошкент	***	***	14-20		
187	Жалолобод—Бишкек	Ховост, Арис	жуфт кунлари	20-30	15	20-45
188	Бишкек—Жалолобод	***	тоқ кунлари	12-20	21	12-41
199	Тошкент—Иркутск	Новосибирск, Черемох	якш. чор. жума			5-35
200	Иркутск—Тошкент	***	душ. пай. шанба	18-15		
215	Тошкент—Оқмола	Чу, Маинти	тоқ кунлари			13-25
216	Оқмола—Тошкент	***	***	11-20		
235	Тошкент—Самара	Илецк, Кинель	буйруқ буйича			3-53
236	Самара—Тошкент	***	***	22-00		
311	Тошкент—Красноярск	Новосиб. Тайга	пайшан. душ.			5-35
312	Красноярск—Тошкент	***	чор. жума. якш.	18-15		
319	Тошкент—Москва	Озинки, Саратов	буйруқ буйича			21-00
320	Москва—Тошкент	***	***	1-50		
371	Тошкент—Барнаул	Алмати, Рубцовка	***			23-55
372	Барнаул—Тошкент	***	***	19-45		
373	Тошкент—Омск	***	тоқ кунлари			13-55
374	Омск—Тошкент	***	***	8-30		
379	Тошкент—Қозон	Самара, Ульяновск	жуфт кунлари			16-35
380	Қозон—Тошкент	***	***	8-10		
381	Тошкент—Уфа	Салават, Оренбург	якш. пай.			21-15
382	Уфа—Тошкент	***	***	14-35		
381	Самарқанд—Уфа	Тошкент, Оренбург	душанба	20-22	53	21-15
382	Уфа—Самарқанд	Тошкент	шанба	14-35	30	15-05
515	Тошкент—Москва	Илецк, Саратов	буйруқ буйича			20-10
516	Москва—Тошкент	***	***	6-10		
595	Тошкент—Харьков	Саратов	пай. якш.			22-10
596	Харьков—Тошкент	***	***	20-45		

ПОЧТА-ЮК ПОЕЗДЛАРИ

917	Москва—Тошкент	Гурьев, Бейнов	ҳар куни	12-25		
918	Тошкент—Москва	***	***			21-35
921	Тошкент—Москва	Оренбург, Самара	тоқ кунлари			10-55
922	Москва—Тошкент	***	жуфт кунлари	19-05		
923	Душанбе—Тошкент	Ховост, Айритом	душ. жума	3-00		
923	Тошкент—Душанбе	***	сеш. жума			8-20
925	Андижон-2—Тошкент	Ховост, Маргилон	ҳар куни	3-15		
926	Тошкент—Андижон-2	***	***			15-55
929	Тошкент—Петропавловск	Чу, Оқмола	якш. пай.			18-1
930	Петропавловск—Тошкент	***	шан. чорш.	8-20		19-05
941	Тошкент—Новосибирск	Алмати, Барнаул	сеш. жума			19-05
942	Новосибирск—Тошкент	***	***	15-55		

ТОШКЕНТ — ЖАНУБИЙ БЕКАТИ

22	Алмати—Нукус	Самарқанд, Пахтаорол	шанба кунлари	19-47	5	19-52
24	Москва—Душанбе	Пахтаорол, Қарши	тоқ кунлари	18-12	5	18-17
54	Тошкент—Нукус—Кунгирот	Пахтаорол, Чоржуй	ҳар куни			17-45
53	Нукус—Кунгирот—Тошкент	***	***	3-50		
58	Тошкент—Волгоград	Пахтаорол, Бейнов	тоқ кунлари			16-50
57	Волгоград—Тошкент	***	***	7-10		
60	Тошкент—Андижон	Ховост, Маргилон	ҳар куни	21-25	5	21-30
62	Тошкент—Бухоро	Пахтаорол, Самарқанд	***	20-12	8	20-20
66	Тошкент—Китоб	***	***	18-57	8	19-05
80	Тошкент—Сариосиё	***	ҳар куни			16-20
79	Сариосиё—Тошкент	***	***	9-00		
636	Тошкент—Андижон	Ховост, Маргилон	буйруқ буйича			18-35
636	Андижон—Тошкент	***	***	4-30		
656	Тошкент—Самарқанд	Жиззах	***			0-40
655	Самарқанд—Тошкент	***	***	5-15		
657	Андижон—Тошкент	Ховост, Наманган	ҳар куни	7-35		
658	Тошкент—Андижон	***	***			20-30
134	Москва—Андижон	Ховост, Маргилон	***	7-37	10	7-47
188	Бишкек—Жалолобод	***	жуфт кунлари	12-53	4	12-57
924	Тошкент—Душанбе	Ховост, Айритом	сеш. жума	8-34	5	8-39
926	Тошкент—Андижон-2	Ховост, Маргилон	ҳар куни	16-07	5	16-12
918	Тошкент—Москва	Пахтакор, Бейнов	***	21-50	5	21-55

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН
КАСАБА
УЮШМАЛАРИ
ФЕДЕРАЦИЯСИ
КЕНГАШИ

Бош муҳаррир
Саидакром
САИДВАЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Акмал АКРОМОВ
(бош муҳаррир ўринбосари),
Рустам АБДУРАЗЗОҚОВ,
Абдуманноп АЛИМБОЕВ,
Дилбар ЖАҲОНГИРОВА,
Турғун НАЗАРОВ
(масъул котиб),
Муҳаммаджон ОТАҚУЛОВ,
Муҳайё ТЎЛАГАНОВА,
Раъно УБАЙДУЛЛАЕВА,
Баҳодир УМУРЗОҚОВ,
Тўлқин ҚОЗОҚБОЕВ.



• Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36
• Бош муҳаррир ўринбосари — 56-52-89

• Масъул котиб — 56-52-78
БЎЛИМЛАР

• Касаба уюшмалари ва мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79

• Социал адолат, иқтисодий ҳаёт, маданият, маънавият ва хатлар — 56-87-78, 56-87-63

• Ишлаб чиқариш ва ҳужалик — 56-85-43

• ВИЛОЯТЛАРДАГИ МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:

Андижонда — 5-23-10

Бухорода — 3-50-10

Гулистонда — 2-24-98

Жиззахда — 3-82-78

Навонда — 3-41-99

Наманганда — 6-22-10

Нукусда — 2-44-46

Самарқандда — 35-64-22

Термизда — 2-70-07

Тошкентда — 56-82-79

Фарғонада — 24-48-53

Урганчда — 6-03-40

Қаршида — 5-33-71

Мухарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарибмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Таҳририят воситачилик қилмайди. Мақолалардаги ҳамда реклама ва эълонлардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар ҳамда реклама ва эълон берувчилар зиммасидадир.

• Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.



• СОТУВДА эркин нархда.
• Жума кунлари чиқади.
• Босишга топшириш вақти — 19.00. Топширилди — 20.00

• Навбатчи масъул:
Саидакром
ШАРОФХОНОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700165, Тошкент шаҳри,
«Правда Востока» кўчаси,
24-уй.

• Нашр кўрсаткичи:
64560; 64561.

• Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Матбуот Давлат қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган.

• IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.

• «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
• Буюртма Г-0264
1 2 3 4 5 6